

ЖҰРАБЕК ЖАҒОН



Күнги
поцтахи

Жўрабек ЖАҲОН

КЎНГИЛ ПОЙТАХТИ

Шеърлар ва достон



Nizomiy nomli

T D P U

kutubxonasi

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2020

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5ў)

Ж 96

Жўрабек Жаҳон

Кўнгил пойтахти: шеърлар ва достон / Жўрабек Жаҳон. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 148 б.

Шеър – ўзингни кашф этиш, шеърият эса ўзлигингни англамоқ ва англатмоқдир. Шеър ёзилмайди, тўкилмайди, худди бола дунёга келгани янглиғ, табиий, севимли ва оғриқли рўй беради. Яхши шоир ҳам худди тошқин ё чақин сингари, табиат ҳодисаси мисол содир бўлади, юз беради. Жўрабек Жаҳоннинг шеърлари кишида ана шундай таассурот қолдиради.

Жўрабекнинг шеърлари ҳақида, ўзига хослиги, бетакрор ижоди тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Мухтарам ўқувчи, яхшиси китобни мутолаа қилиб, шеърият гулзорига сайр этиб, юксак баҳони ўзингиз берасиз.

Шеърний гулдаста муборак бўлсин!

УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5ў)

©Жўрабек Жаҳон

© Фафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа

ижодий уйи, 2020

ISBN 978-9943-6109-9-6

*Ушбу китобни
Онамга бағишлайман.*

УЛУҒ ЎЗАНЛАРДАН ТАРАЛГАН ЖИЛҒА

Жўрабек Сурхон воҳасиннинг фарзанди. Қадимий китобларда “туғи баланд эрлар мамлакати” деб таърифланган, жаҳон тамаддунда Бактрия, Бохтар замин, Тохаристон, Чағониён сингари номлари билан, Тешиктош, Зараутсой, Боботоғу Ҳисор, Сангардаку Обизаранг деган тоғларию дарёлари билан кўнгишни жимирлатувчи бу кўҳна тупроқ катлам-катлам ҳикмат ва ҳадисдан иборат. Кўкдаги ғарам-ғарам оқ булутлари Термизий боболарни эслатади. Жаркўрғон минораси бу диёрнинг қадим тарихи узра кўйилган ундов белгисига ўхшайди. Бундан шимолроққа – Сарносиёга қараб юрсангиз Эшқобил Шукурни берган Боймоқли, ундан сал тепароққа эсангиз Македондан, Македон кўпригидан чиқасиз. Бу кўприкнинг юнон жаҳонгири Александр Македонскийга ҳеч

кандай алоқаси йўқ. Бирок Искандаршоҳ нарёғи Термиз, бу томони шу дашту саҳролардан дағдаға солиб, Помирга ўтиб кетган деган ривоятлар ҳозир ҳам нақл қилинади. Бир қариш еридаки шунча тарих яширинган экан, ушбу сарзаминнинг бош-адоғини сўйлаб, қуйлаб бермоқ учун яна неча шоиру шоҳномалар керак бўлади.

Бойсун деганингиз ҳамоно – Бойсунтоғнинг ўнгиридан Бойчиборини гижинглатиб, қилич, қалқон чараклаб Алпомиш полвон чиқиб келаётгандай бўлаверади.


Устоз адибимиз Шукур Холмирзаев Ватан ҳақида қандай ёзишни ва қандай ёзмасликни ҳаммамизга ўргатиб кетди. Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Шафоат Раҳматуллаев, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Ўзам сингари шоиру адиблари бу кўхна маъвонинг кадрларга шараф қўшдилар, номини янада юксалтирдилар. Журабек шундай улуғ ва қуримас ўзанилардан таралган қилғалардан бири. У ҳали оқими катта дарёларга қўшилиши керак. Миллий университетни битирган, чегарачи қосбонларимиз сафида ҳам хизмат қилиб қайтди. Ўзи ҳам қосбондек ҳушёр, зийрак йигит. Шеърятга жўралиги – ҳақиқий дўстликка, чин қисматга айланмоғига илк шеърлари

биланок кафиллик берган эди. Бу дўстлик соткинликни, ғирромлик ва мунофиқликни кўтара олмаслигини шоир укамиз яхши тушунади. Ҳали канча китоблар ўқилиши керак, катта адабиёт мактаби, не-не синовлару имтиҳонлар унинг йўлига кўз тикиб турибди. Ҳаёт дегани – қошига ўсмани кўйиб, нозланиб кутиб турган киз эмас. Қатъият ва ростгўйлик Жўрабекнинг дил уловига айланмоғи лозим.

Унинг ярим тунда “Пушкин Навоийни кўргани келди” деган икки улуғ зотнинг хайкалларига жон киргизган шеъри бор. “Бу кўхна фалак остида ҳеч нарса янгиллик эмас” дейилганидай, бир кўхна замонлар бўлганки, Ғарб бор-йўк ашёсиз тамаддунини Шарқдан олган. Кейин Шарқ ўзи бергани Ғарбдан ғарбники деб олган даврлар ҳам бор гап. Буюк ипак йўли буткул кўмилиб кетмаган экан – дунё мамлакатлари буюк катновларини яна бошлаб юбордилар. Жўрабекнинг шеъри – Ғарб Шарққа юз тутаётганининг нозиккина бир белги – ишораси. Ғарб – оммавий маданият (яъниким, маданиятсизлик!) уни қандай мудҳиш ҳалокатларга олиб боришини сезиб бормокда. Ғарбга ҳам жаҳолат эмас, маърифат ва ахлоқ керак. Сув ва хаводай керак.

Тажрибали устозларимиз “Шеър ёзилмайди – рўй беради” деганидай, яхши шоир ҳам худди тошқин ё чакин сингарин, табиат ходисаси мисол содир бўлади, юз беради. Жўрабек Жаҳон тимсолида шеъриятимизда яна бир янги овознинг бўй бераётгани рост бўлсин!

Сирожи дини САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири
2016 йил 17 март



СҰЗ ИШҚИДА

* * *

Сиздан ўтинганим дуодир,
Дуодан ушбу муддаодир –
Мадад беринг хазрат Навонӣ,
Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Ўзинг қўлла аввал Илоҳим,
Бисмиллоҳир роҳманир роҳим.

Илтижо

Ё Раб, Ўзинг меҳрибонсан, қарам қилгин,
Эл ичра овозимни муҳтарам қилгин.

Не истасам мен Ўзингдан изладим рост,
Қаро бўлди гоҳ олдингда юзларим рост.

Умрин узок, мунаввар эт қисматини,
Адо этай онажоним хизматини.

Кўриб қувнаб юрсин улар парвозимни,
Ўзинг асра отам билан устозимни.

Яратганим, асра опа-сингилларим,
Улар менинг шикаста дил, кўнгилларим.

Шу ёшимда гуноҳим кўп афв эт Ўзинг,
Келар бало-казоларни даф эт Ўзинг.

Ё Раб, мени Ўзинг Ўзингга ёр этгин,
Майсадан-да тупрокдан-да хоксор этгин.

Мени зинҳор тўғри йўлдан оздирмагин,
Кўнглимда йўқ туйғуларни ёздирмагин.

Сўзлар

Чўғ ютгандай ловуллар бўғзим,
Дилимда дард ётмайди, нечун?
Қойилмасман ўзимга-ўзим,
Сўзлар, Сизга етмасми кучим?

Тинч қўймайсиз не учун бирпас?
Рухиятим килурсиз тилка.
Қалбларимни қиймаламанг бас!
Йўк, йўк! Асло қолдирманг якка.

Термуламан Сизларга ҳар тун,
О, бунчалар мендан юксаксиз.
Мен ёзганман Сизни беафсун,
Лекин ўзим қарамман, шаксиз.



Ҳодиса

Бир шеър дарди кийнади ёмон,
Сахаргача ўртаниб чикдим.
Юрагимни суғуриб тонгда,
Либос каби ғижимлаб сикдим.

Нурга караб боравердим тик,
Чак-чак томиб турар эди кон.
Кўйлагимнинг дазмоли текис,
Уваланиб кетган факат жон.

Ким текислар, ким текислар? Ким,
дазмол урар унга ботиниб.
Маҳкам тутиб турибман шеър деб,
Ҳозир чикиб кетар отилиб.

Вазифа

Ерга юборишган мажбурлаб,
“Яша” катъий кўйилган талаб.
Жуда зерикарли вазифам –
Кетгунимча юриш кун санаб.

Кўп нарсадан бўлганман махрум,
Озор бериш, масалан, жонга.
Буюрилган энг оғир юмуш –
Яшаш керак ўхшаб Инсонга.

Эврилиш

Қайси гуноҳ учун,
Қайси хато деб,
Ҳукм чиқарилди устимдан катъий.
Барига сабабчи Одам Ато деб,
Оклашга уриндим тақдирга сапчий.
Ялиндим, ёлвордим
Ҳукмингни ўзгарт,
Нега биров учун тўлайман товон?
Буйрук чиққан тамом,
Бажарилиш шарт.
Унинг ижросида юрибман ҳамон.
Бир-бир видолашдим,
О, гўзал маскан,
Барча орзуларим чиқди-ку пучга.
Англадим – ҳеч бир жой мангу эмаскан,
Эртадан конуним киради кучга.
Бугун охириги кун,
Барига шайман.
Фариштам, видонинг тотини туйгин.
Энди кўкда эмас ерда яшайман,
Қалбимга тўлдириб ишқингдан куйгин.
Мана фурсат етди,
Мана вақт етди,
Кўксимда нимадир ураётир ниш.
Кўзимга кўп нарса кўриниб кетди,
Бунча азоб экан, азоб —
ТУҒИЛИШ.

Рух шеъри

Кимнинг танасига қувилган рухман,
Кимнинг вужудини кўтардим тикка.
Унинг учун гўё мен бир мажруҳман,
Менга ялинмасдан, ёлворар кўкка.

Эй, аклсиз жасад, калби йўқ жонзот,
Бир бор ўйлаб кўр-да, менсиз сен
кимсан?

Ҳозирча бандиман, бўлсам гар озод,
Нега индамайсан, нимага жимсан?

Изтиробинг бунча ўхшайди кўпга,
Нажот тилайвериб нечун безмайсан?
Бекор ялинасан, бекорга кўкка,
Ичингда эканим наҳот сезмайсан?



Мангу савол

Рухиятга урилган камчи,
Ундан нега бўлмайди ранжиб?
Куз. Дарахтдан тўкилган томчи
юрагимни юборди янчиб.

Андишалар ўчди конимда,
Хотиралар бормокда кўчиб.
Беҳаё тол шундай ёнимда,
Кийимларин ташлади ечиб.

Ана, кишнинг элчиси — қарға,
Уч асрга татирли ўтмиш.
Мана, неча қарға умрики
Мен ҳақимда тугамас миш-миш.

Анов мушук қилиб таҳорат,
Сўнг Қиблага юзини бурди.
Мен бир гуноҳ қилдим, Яратган
киёматда очар у сирни.

Кўзларимда ёш маржон-маржон,
Бунча ўйчан бокма эй, олам.
Мен эмасми, энг яхши Инсон!
Мен эмасми, энг расво Одам!

Бобо юрт

Қулоқ тутсам қадимлардан
Келар минг хил наволар,
Баъзан ҳазин, баъзан маҳзун,
Баъзан ғамгин садолар,
Кўксин кериб, от ўйнатиб
Келаётир боболар,
Улар бунда юрт сўрайди,
Улар юртга даъвогар.

Темурбекка бериб ялов,
Дунёга кўз тиккан юрт.
Улуғларга доя бўлган,
Буюкларни туккан юрт.
Тупроғини тавоф этгил,
Гардларини кўзга сурт.
Ўзбекистон ота макон,
Ўзбекистон бобо юрт.

Бунда жасур ўғлонлар кўп,
Бунда бахтли қизлар бор.
Қалбларида адоват йўқ,
Ялпиз янглиғ ҳислар бор.
Келажакдан умиди тўқ,
Қорачиклар, кўзлар бор.
Тупрокларни олтинга тенг,
Жаннатий бир ислар бор.

Ўзбекистон жоним менинг,
Жонажоним гўшам-ей.
Бобожоним, отажоним,
Онажоним гўшам-ей.
Хизматингга кирдим бугун
Жонларимни тўшаб-ей.
Алп Юртим-ей бораяпсан,
Беҳишларга ўхшаб-ей.

Термизлардан Термизийлар
Тирикмиз деб термулгай.
Пирлар дуо қилса тупрок
Олтин бўлгай, дур бўлгай.
Кўзим тушса кўзларингга
Қалбим тўла нур бўлгай.
Исминг айтиб ҳайқирсам гар,
Дил дардлардан ҳур бўлгай.

Сен бунчалар чиройлисан,
Сен бунчалар кўркам юрт.
Бунча жасур, бунча шахдам,
Бўйи басти ўктам юрт.
Бахт ва тинчлик гулдастасин,
Дунёларга тутган юрт.
Ўзбекистон ота макон,
Ўзбекистон бобо юрт.

Сафардаги дўстимга

Ҳар доим ёдингда тут,
Ўзбеклар улуг халқдир.
Энди сенга буюк юрт
Ўзбекистон хужжатдир.

Сенга қараб тўн бичар,
Бутун бошли миллатга.
Элнинг фазилатларин,
Айлантирма иллатга.

Ёлғиз жонинг ўйлама,
Ўттиз миллион жонсан.
Дунё саҳналарида,
Юрган Ўзбекистонсан.



Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Сурхонни соғиниб

Устозимга

Ниҳоят, Тошкентда гуллади ўрик,
Ўртаб юборди-ку Сурхоним тафти.
Табиат бунчалар чиройли, кўхлик,
Куртакдек очилди онамнинг кафти.

Укам қалдирғочга мактублар йўллаб,
Синглим ўсмаларнинг оромин бўзди.
Турналар учмоқда бахтни опичлаб,
Қизим китиклади илк бор ялпизни.

Биласан, барибир яхши кўраман,
Ўрик гулларига бурканган шаҳар.
Оҳ, ҳар тун Сурхонга лим-лим тўламан!
Симириб кўяди қакраган сахар.



Ҳазрат Навонӣ ҳайкали пойнда

Мен бу жойга минглаб келдим,
юзлаб келдим,
Кўнгил куйин тинглаб келдим,
бўзлаб келдим,
Ҳазратдан сўз қарз олиб, сўнг,
сўзлаб келдим,
Қақраб келдим, ёниб келдим,
музлаб келдим,
Бу даргоҳга мен ўзимни излаб келдим,
Нигоҳингиз сел қилди-ку ох, Навоий,
Сўз мулкида султон бобом – шоҳ Навоий.

Бобо, дейман, вужудларим титрок тортиб,
Тўзғиб ётган дунёларга берган тартиб,
Кафтидадир сайёралар, Машрик, Мағриб,
Ҳазрат сабаб шу тупрокка меҳрим ортиб,
Бахтиёрман пойларини кўзга суртиб,
Ким ул зотга талпинса гар – ёр Навоий,
Иймондир ҳам, номусдир ҳам ор Навоий.

Баъзан хурсанд, баъзан эса нолиб келдим,
Баъзан нафсга мағлуб, баъзан голиб келдим,
Ғазал тинглаб, дилга меҳр солиб келдим,
Энг покиза туйғуларим олиб келдим,
Ул кишига шогирд тушиб – толиб келдим,
Шогирдларин хар дам қўллар – боғ Навоий,
Забт этилмас юксак чўкки, тоғ Навоий.

Одам десам, ёлғон бўлгай, фариштадир,
Еру кўкни боғлаб турган оқ риштадир,
Ҳазрат мисол пок яшаб, пок қаришни бил,
Муборак тут ёдларини – ҳар ишда бил,
Пок номларин пок тутгай ҳар қаришни бил,
Қабоҳатга қарши турган – дов Навоий,
Разолатнинг йўлин тўсар – гов Навоий.

Кел набирам, деса, бир бор боқиб қўйса,
Ғайрат қилгин, деб, елкамга қоқиб қўйса,
Назар ташлаб қалбимга ўт ёқиб қўйса,
Ёшим дарё, қани унда оқиб бўлса,
Авлиё зот ҳар онимдан воқиф бўлса,
Мадад бўлинг ё, Ҳазратим – ё, Навоий,
Олам бутун – бор эканки то Навоий.

Этагидан маҳкам тутиб ўтингайман,
Назаридан қолмай дея ютингайман,
Ул сиймога содиқ навқар тутингайман,
Бир қарасам, тўзғиб ётган тутундайман,
Исмин айтсам, бошдан оёқ бутундайман,
Қуёш янглиғ зиё сочар – нур Навоий,
Икки дунё баҳоси йўқ – дур Навоий.

Бахтимиз шу – ўзбек бўлиб туғилганмиз,
Юлдузларга нарвон қўйиб, туғ илганмиз,
Душман келса, қўқрагига тиғ илганмиз,
Бутун миллат бир мушт бўлиб туғилганмиз,
Бор оламда Навоий деб ўқилганмиз –
Эл дегандан, халқ дегандан шод Навоий,
Қайтиб жаҳон кўрмас шундай зот – Навоий!

Қушга

Сен ҳам йиғлайсанми, билгим келяпти,
Хурсанд бўласанми, ўртанасанми?
Менинг жуда ҳам қуш бўлгим келаяпти,
Менга қуш бўлишни ўргатасанми?

Меҳрим бошқача-ку сувга, тупрокка,
Ердан кам севмайман ахир, осмонни!
Қушчам, сен эътибор берма титрокка,
Факат, айт, қуш бўлиб яшаш осонми?

Сенга берадиган саволларим кўп,
Қалбга бир назаринг ташла, майлими?
Дўстим, алдамагин, ростини айт, хўп,
Қушлар одамларга ўхшамайдими?!

Мана, титрокдан сўнг елкамда қанот!
Менга ўргатсанг бас, қандай учишни.
Бўлди, энди ерга қайтмайман, хайхот,
Мендан ўргансинлар кўкни кучишни.
Мендан ўргансинлар жондан кечишни.

Тушлар

Тушлар изғиб юрар хонамда,
Мендан сўрамасдан бемалол.
Мана бу туш бунчалар жанда,
Буниси энг аянчли савол.

Кипригимдан сизиб кирарлар,
Кипригим нам сезиб кирарлар.
Гоҳи қувонч улашар менга,
Гоҳ кўнглимни эзиб кирарлар.

Кимлар келар таниш, нотаниш,
Дер: Чўчиманг мен оддий тушман.
Бу тушлардан яқинроқ дўст йўқ,
Булардан-да ёвузроқ душман.

Уйғонишни истамам гоҳо,
Ширин тушлар оғушида маст.
Изтироблар қуршар, мутлақо,
Туш кўришни хоҳламайман бас!

Лекин унга мағлубман ҳар тун.
Кўзим юрсам олишар қуршаб.
Уйғонаман. Ишга кетаман...
Тушлар мени қолдишар қумсаб.

Бўри одам

Индамадим, чикса-да жаҳлим,
“Арслонгинам” дея адашдинг.
Тушинмайсан, келадн каҳрим,
Менга ёкмас бундай аташинг.

Турли-туман совғалар бердинг,
Ўрганмадим барибир қўлга.
Йўлга кетдик боғ сари дердинг,
Менинг кетгим келарди чўлга.

Шер эмасман алданиб қандга,
Раксга тушмок мен учун ўлим.
Қойилмасман ундай талантга,
Билсанг, кафас эмасдир йўлим.

Оҳ, ишкимда телба ҳалагим,
Етолмадинг қалбим тўрига.
Унутгандинг чунки малагим,
Эрк керак эканин бўрига.

Янги йил оқшомида

Кеч. Шаҳарга ой кўринган чоғ,
Бир бўри ва бир кийик сарсон.
Иккисининг макони ҳам тоғ,
Иккиси ҳам жуда кадрдон.

Кезишади, учрар Қорбобо,
Кийик унга ишонмас дилдан.
Бўри учун юрти бебаҳо,
Кийик учун цирк энг зўр ватан.

Дардлашишар тун бўйи... йўлда,
Бўри бирдан унга ташланар.
Кийик эрмак бўлади қўлда,
Бир мўъжиза юз берар сахар.

Хайратланар ким қолса кўриб,
Табиатнинг қудрати буюк.
Йиғлаб ортга қайтарди бўри,
Ўлжа излаб изғирди кийик.



Салом толлар, салом тераклар,
Арчажонлар, сизлар калайсиз.
Мана, канча вақтлардан бери,
Ой санайсиз, йиллар санайсиз.

Сиз тераксиз бўйингиз узун,
Сизга ҳасад қилмайди толлар.
Нима учун, нега? Билмадим,
“Чақалоқ”ка ҳасадгўй “чол”лар.

Одамлардан ўгирдим юзим,
Бағрингизга отилдим кейин.
Мен сизларга сингишиб кетдим,
Энди Одам бўлишим қийин.



Осмоннинг устун

Эй, осмонни суяган дарахт,
Юлдузларни китиклаган гул.
Сен не дея қилган эдинг аҳд,
Тутиндингми куёшга ўғил?

Осмонларни кўтариб кўкка,
Қаддинг сира бўлмагандир дол.
Ойга қўним бериб тунлари,
Нени хаёл сурасан, эй чол?

Тушунмаймиз – сенинг вазифанг,
“Кўк гумбаз”га бўлишми тиргак.
Сени англаш учун камда,
Юрак керак, осмондай юрак.



* * *

Қишлоқ.

Тунги ўн бир. Уйга қайтаман.
Онам сўрар: “Қайдайдинг, дайди?”
Мен безори бўлишимнимас,
Комил бўлишимни истайди.

Шахар.

Тунги икки. Уйга қайтаман,
Дилим бир илик сўз излайди.
Ҳеч ким мени кистовга олмас,
Кўркиб кўзгу айтади: “Дайди”.





Мен дарёман,
Мен дарё,
Яна минг йил окаман.
Тунда юлдуз, кундузларда
Қуёшларга бокаман.
Ҳар кун битта қуёш чиқмас,
Ҳар тун бир хил юлдузлар.
Ой кўксимга термулиб
Билмам неларни излар.
Мана, кимдир қайик солди
Дилимнинг мавжларига.
Қандай бардош бераркан
Тўлкиннинг авжларига.
Сузавергин, сузавер
Бўронларга бериб чап.
Соғ-омон ўтиб олсанг
У ёғи бўлар бир гап.
Мен дарёман хув, чўлларни
Гуллатмай кетганим йўқ.
Токка қараб оқаяпман,
Чўккига етганим йўқ.

Янги йил

Бу окшом изғирин,
Бу окшом ўтли...
Билмадим канчага етар бардоши.
Кўчада Қорбобо совукдан котди,
Юлдузлар – Қорқпзнинг музлаган ёши.
Анов новдага ҳам карамок оғир,
Бир йилда бир бора товланади у.
Недан бунча ўқтам, бунчалар мағрур,
Гўё яшагандек бунгача мангу.
Ҳар не ўзгаришда,
Ҳар не хайратда,
Ҳар ненинг аксини кўрамиз бу тун.
Анави фаришта билмам не ишдан,
Бош олиб кетмокда кўлида тугун.
Қайдан пайдо бўлди бунчалик ғайрат,
Дунё товланади минг хил пардозда.
Нахот, уйғотмаса Қорбобо хайрат,
Тирикчилик дея ишласа ёзда...
Ахир, мўъжизавий окшом-ку, ахир,
Юлдузлар жўр бўлгай ҳар бир тилакка
Одамларга бокиб хайрон бўлурман
Бунча шодлик қандай сиғар юракка?!
Дўстларга кўшилиб янгисин қутлаб,
Эски йилга аза тутурман якка!
Бу кеча ўтлидир,
Бу кеч изғирин.
Бу кеча парига дўнар ялмоғиз.
Бу кеча қандайин юз берди билмам,
Оловга кўлларин тоблайди коркиз...

Иримчилар

У коп-кора бўлиб туғилди,
чунки ихтиёри унда эмасди.
Шундай бўлгандами дунёга
менинг қишлоғимда келмасди.

Шошиб борар экан кайгадир,
Йўлин кесиб ўтар бир киши.
Ўша кун иккисининг ҳам,
Нимагадир юришмас иши.

Сўнг омади келмагани чун,
Инсон айбни мушукка юклар.
Ови бароридан келмаса,
Одамларни айблар мушуклар.



Соя билан суҳбат

Хар бир кадамимга шериксан, дўстсан,
Соя сенга сира бермадим ҳисоб.
Бугун сендан сўрайман айтгин:
Гуноҳим кўпрокми,
Кўпрокми савоб?
Озрок шошмай тургин,
Шошмагин озрок.
Илтимос, холи кўй бир сонияга.
Сендан кутулишни истайман, бироқ
Жўяли бир фикр келмас мияга.
Ортимдан эргашдинг,
йўл бошладинг гоҳ,
Ёнма-ён ҳам юрдик,
Гоҳ ўнг, гоҳ сўлдан.
Демак, бўлишамиз — гуноҳми, савоб,
Ҳозирча юрмасдан ҳеч қайси йўлдан.
Кел, жанжал қилмасдан тузайлик битим,
Ўйнаймиз чурқ этмай узок юрар ким.
Сенинг сирларингни пинҳон тутгайман,
Менинг сиримни ҳам билмасин ҳеч ким.
Дўстлик бундай бўпти,
Қўлни бер қўлга,
Елкангга қоқаман яйраб кел, ўйнаб.
Иккимиз кетамиз иккита йўлдан,
Иккита виждонни қўйганча кийнаб.

Менсиз

Суягимни бир-бир кемириб куртлар,
Қанча сўзларимни булбуллар айтди.
Чумоли мен учун тиланиб бахтни,
Тангрининг ёнига бориб жим кайтди.

Қурук қайтгани чун тортиб хижолат,
Қишлик ғарамини менга илинар.
Қўлидан тутаман, бокиб кўзига,
Унинг бахтсизлиги шунда билинар.

Шошиб йўл оламан Тангрим олдига,
Кейин қайтишимга тополмам шахдни.
Ялинаман... Худо унга бахт берар,
Бошига урарми менсиз у бахтни.



Афсона

Минг йиллик чўл,
Минг йиллик сахро,
Йўлда оғир тебранар карвон.
Манзилини йўкотган, гоҳо
Тентирайди тентакдай сарбон.
Юлдузларга караб очар фол,
Ҳамма унга тутар сув, шароб.
Ана манзил, кулади икбол...
Уйғонади, аҳволи хароб.
Бойлик бўлса, дунё дер кўлда,
Хуржунида тиллоси сероб...
Минг йил бўлди карвони йўлда,
Минг йил бўлди топгани сароб.



Ховлидаги дор

Атайлаб қилгандай қошидан,
Майдонга дор ўрнатди дорбоз.
Кир ёйилган кариндошидан,
Билсангиз, у анчайин дароз.

Ўзин дор аташдан хижолат
бўлиб қолди, турар қарахтдай.
Минг афсуслар бўлсинки, бўйи
ўсмас уни тутган дарахтдай.

Лекин таскин берар, бекаси
энгашиб ўтади остидан.
Ҳеч ким уни хўрламас ахир,
Ҳар ҳолда босмайдн устидан.

Қотил эмас аجدодларндай,
Кийимларни осарлар осса.
Одамларни осишмас унга,
Ва йинкилиб тушмас ҳеч кимса.

Ёлғизлик

“Хайрли тун” айтмаса ҳеч ким,
Эрталаб ҳам уйғотса соат.
“Хайрли тонг” тилар кейин ким,
Бу яшашга етарми тоқат?

Ширин сўзлар айтиб ўзингга,
Соянг билан нонушта ейсан.
Ишдан қайтиб келгач пальтога,
Боқиб “Сизни севаман!” дейсан.

Сўнг чекасан жаҳлинг тутини,
Озор бермас бирор инсонга.
Ҳеч ким таъна қилмайди тагин,
“Бари тегиб кетди – деб – жонга”

Ташвишлисан, ғамгинсан бироз,
Илик сўзлар келар тинглагинг.
Уйғонишинг келмаслиги рост,
Ҳар тонг келар тўйиб йиглагинг.

* * *

Тушунаман бошка чоранг йўк,
Аламингни оласан ёшдан.
Қўй, такдирга ураверма дўк,
Дунё кайта яралмас бошдан.

Орзуларинг оралаб юриб,
Ногоҳ тўкнаш келасан тошга.
Минг йикитса, минг бора туриб,
Тик каролсанг бахтдир қуёшга.

Майда гаплар қилолмасин дол,
Мақсадингдан асло тонмагин.
Ғамлар бир кун кетар, кутиб ол,
Кулиб келаётир омадинг.



* * *

Соғинтириб кўйдинг-ку жоним,
Нахот, қайтиб келдингми о, куз!
Кўйлаклари бежирим хоним,
Қандай уч ой яшадим сенсиз.

Салга йиғлар эдинг ўшанда,
Буркангандинг гулга, яшилга.
Сочларингни тортқилаб ўйнаб,
Атай тегар эдим гашингга.

Ғойиб бўлдинг қайгадир бирдан,
Ёмон килар экансан жаҳл.
Сен аразчи бўлсанг, мен рашкчи,
Қандай аҳил яшаймиз, ахир.

Не бўлса ҳам қайтдинг, хурсандман,
Энди хафа қилмайман зинҳор.
Ҳамон сени севиш-ла бандман,
Ёшинг ўтган бўлса-да, баҳор.

Қор

Хайрлашган эдим эрта баҳорда,
Ёзда кўрган эдим уни сўнгги бор.
Отамнинг сочида эди ўшанда,
Бугун ер юзини коплаб олган қор.

Қариб борар экан баҳор муттасил,
Иш ташлаша бошлар япроқлар ғиж-ғиж.
Қор ёғар устига қулар бир фасл.
Куз юрак чангаллар – тутадн хуруж.

Уйғониб кетасан тонгда дафъатан,
Ғолиб бўлгандайин йиғлайсан жангда.
Сўнгра воз кечасан барча нафратдан,
Дунёни томоша қилиб ок рангда.



Дийдор

Кампир чолга суяниб колган,
Чол ўрганиб колган кампирга.
Ёлғиз ўғлин кутишиб карар,
Қирга томон иккиси бирга.

Тепаликка чиқиб олиб уй,
Боқиб турар йўлга ошуфта.
Йигитнинг-чи, максоди битта,
Ва қўлида иккита чипта.

Худди уни минг йил кутгандай,
Истикболга чиқар ялпизлар.
Секин кириб борар кишлокка,
Ёлғиз оёк йўлдан жуфт излар.





Қандай юпатишни билмайман, тавба,
Не сўз бўлишини билмайман малҳам.
Ё кўркаман ёки сиғмайди ҳаддим –
Қучай десам уни бағримга маҳкам.

Қанча уринсам ҳам бўлмайди доим,
Сўзларимга унинг кўнгли тўлмайди.
Одамни юпатиш мумкиндир, дўстлар,
Осмонни юпатиб бўлмайди.





Сиз шунга арзийсиз,
Сиз шунга лойик.
Бошқа сифатларга келмаяпсиз мос.
Буйруқ шу:
Қилиш шарт,
Бажариш керак!
Шу сўзлар айланар мияда, холос.
Қалбингизга сингиб кетар эртага
Буйруқ шу:
Қилиш шарт,
Бажариш керак!
Нега яшаяпсиз, айтинг нимага?
Югур-югур учун яралган одам,
Югурдак одам.



Орол

Табиат ўқирди,
Бўқирди само,
Шамол увилладн етганча кучи.
Чакмоқ шиддат билан интилди ерга,
Чунки одамзодда бор эди ўчи.

Тутади минг йиллик дарахтнинг
боши,
Тани лов-лов ёнди, кейин уятдан.
Ҳатто денгизлар ҳам кочар
кайгадир,
Кўнгли қолиб буткул инсониятдан.



* * *

“Одамзоднинг аждоди маймун”
Бир файласуф минбарда айтди,
Қабул қилолмадим бу сўзни
Болалнк пайтим.

Рост айтибсан.
Улғайди ёшим,
Бошда жуда бўлгандим ҳайрон.
Кўрдим кимнинг аждоди тулки,
Яна бўри, шер, балки куён.


Сотиб кетса, дўстлар гоҳида,
Маймун одам холига йиғлар.
Бошларига тушмагунча то,
Бунга ишонмайди болалар.

Сурат

Хонамда тун. Ана, деворда
Жилмаяди минг йиллик сурат.
Тушунмадим не сабаб? Нега?
Бунча шовкин солди сукунат.

Жанг бошланар – осмонлар жанги,
Шамшир каттик тўқнашар – чакин!
Тўкилганда юлдузлар ранги,
Кун лашкари келади якин.

Тундан чимдим қолади – соя,
Кун лашкари келганда ғолиб.
Ишонмасдан мени бир қизча,
Ҳамёнига юради солиб.



ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ



Қулаб тушган дарахтни кўриб,
“Яхши ўтин бўпти”, деб кўяр ошпаз.
Ўлим ҳақлигига ишонади чол,
“Мен мангу яшайман”, деб
юрмас бошка.
Йиғлайди урушда катнашган одам,
Суянчи йўк экан, деб ўтар дўстсиз,
Куяди фарзанддан айрилган она,
Қарсиллаб ағнаган дарахтни кўриб.



Туғилган кун

Бахт тилашар келишиб бир-бир,
Аста-секин бошланар базм.
Қандай гўзал, қандай яхшисан,
Ҳаёт сенга ортар хавасим.

Ишқ гулларин тутар севгилим,
Тиконларин кўлимга санчар.
Бунча каттик кучасиз, эй дўст,
Бағрингизда миллионлаб ханжар.

Туғилган кун. Ҳамма тилар бахт,
Ўйин-кулгу авжида базм.
Бахт тилашар, бахт тилашар, бахт,
Ортиқ бахтни қилолмам ҳазм.

* * *

Қаранг, қандай танҳоман,
Мен – Робинзон Крузо.
Дўстларим чўкиб кетган,
Одамлар орасига...

Ҳамнишиним йўқ бирор,
Жумавой, дўст кайдасан?
Ё топиб келасанми,
Бирор ташвиш ҳайдаса.



* * *

Мен хаммани севдим,
“Севмайман”, деб кулдим атайин.
Кулоғимга парилар айтар:
“Сизни тушуниш қийин”.

Сенга нима девдим,
Кел ёки кет. Тағин не дейин?
Яна билган сўзимни қайтар:
“Сизни тушуниш қийин”.

Ҳамманинг фикри шу...
Улар билан нима ишим бор!
Бир кун Худо айтмаса бўлди,
“Сени тушуниш қийин”.



* * *

Ортингдан эргашиб кетаяпман
жаллод,
Кеча севгилимни ўлдириб қўйдим.
Ҳозир жазокурсида эдим,
Энди сиртмоқ остида бўйним.
Нега мени осарлар дорга?
Гуноҳкорга тегмайди ҳеч ким.
Оломоннинг ичидан қулиб,
Ўлимимни кузатар
Рашким.



* * *

Отамнинг кўзига тик бокканим чин,
Онамга каттиқ сўз айтганим ҳам рост.
Бундан хижолат ҳам бўлмаганман ҳеч,
Бир ойча ухлолмай юрганман, холос.
Нега сенинг кўзингга, айт, тик
бокиб бўлмас сира ҳам,
ВИЖДОН?..



Виждон азоби

Эшигимни кулфладим ичдан,
Деразадан тош отдим Унга.
Нега дея сўради
– Шунга.

Деразамга пардалар тутиб,
Чирокни ҳам ўчирдим, йўкман.
– Ўғлим, овкат ейсанми?
– Тўкман.

Кўрпа ичра беркиндим каттик,
Кўзим юмдим, кулоғим ёпдим.
Бирдан юрак кичкириб айтди:
– Топдим!



Дарахт

Тонгда ҳамма борди кўргани,
У барчага ёкарди бирдай.
Айтмади лек нима бўлганин,
Туюлмади ҳеч кимга сирдай.

Ҳар ким ўз билганин дедилар,
Чидаб бўлмас эди хўрликка.
“Яшин урган” – тухмат қилдилар,
Бағри куйиб кетган шўрликка.





Кишни севар манов дарахтлар,
Севгилари чексиз бағоят.
Куз баргида келганда хатлар,
Ечиниша бошлар беуят.

Қипяланғоч бўлишар охир,
Бағрини кенг очиб кутарлар.
Менга жуда ботади оғир,
Қиш – бойвачча, сочиб юрар зар.

Оҳ, шу уч ой – уч юз қиёмат,
Дарахтлар – аклдан озган бевалар.
Беваларга бахш этган неъмат,
Фарзандлари кишнинг – мевалар.



Шафкат ва гўзаллик

Ногоҳ, маликага тушибди кўзи,
Эсидан чикибди борлиги шоҳнинг.
Фақирга бокибди соҳибжамол ҳам,
Шоҳ фармон берибди: “Аблаҳни осинг!”.

Қатл майдонига йиғилибди эл,
Сўнг ошиқ йигитга сўрабди шафкат.
Ғазабланган шоҳнинг фармони:
“Ҳаммаси осилсин, навбатма-навбат”.

Нахот, сен офатсан гўзаллик шунча,
Бунчалар бераҳм бўлмасанг шафкат.



Қизилсевар санамга

Кимнингдир қонини ичганинг аниқ,
Лабларингни артиш эсингдан чиққан.
Ўтдинг ифорларинг хушбўйи анкиб,
Кўрдимки, кўйлагинг қон экан жикка
Ҳаддан ошиқ қизил термулдим хайрон
Кетдинг, юрагимни суғуриб олиб,
Ана, тирноғингда қотиб қолди қон.



Шеър ва сурат

Сен сурат чизасан,
Мен шеър ёзаман...
Ажойиб рассомсан, дейди дўстларим
Сенга истеъдодли шоирсииз дерлар.
Суратларим ўқир экансан,
Рассом бўлгинг келади сенинг.
Шеърларингни томоша қилиб,
Шоир бўлгим келади менинг.



Шарф

Эри учун тўкилган дилдан,
Хотин учун олган атайлаб.
Тағин бир бирисин бўйнига,
Меҳр билан таққан авайлаб.
Бундай ўлим гўё шарафли,
Худди дорга шошилар мушток.
Қайси гуноҳлари сабабли,
Қиш. Ҳамманинг бўйнида сиртмоқ.



Маросим

Дўст кўпайиб колади бирдан,
Бирдан яхши одамга дўнар.
Бундай тотли якунга кўнар...
Воз кечгиси келмай меҳрдан.
Топилса ҳам имкони агар,
Зинхор чиқмас эди кабрдан.

Ёлғон гаплар ёқади бирам,
Ёмон гаплар айтилмас сира.





Панжара ортида ўтирган одам,
Жуда кўп нарсалар хакида ўйлар.
Масалан, не сабаб қафасда куёш...
...Балким, унга шундай туюлар.

Сира ишонгиси келмас, кўзлари
Исботлаб турса-да шундок олдида.
Кўриб турган ҳамма нарсаси,
Қафасда, панжара ортида.



Истак кучи

Жавон ғамгин турар бурчакда,
Курсичага ошиқ бўлган у.
Курси якин келади гоҳо,
Унинг учун кандайин бахт бу.

Унга етмоқликни хоҳлайди чиндан,
Орзуси ягона, истаги битта.
Ажабланманг, эрта ё индин,
Жавон юриб кетар, албатта.



Фалсафа

Қурбакалар сайрайди хушнуд,
Ниначилар ўйнайди кўлда.
Ҳеч ким ёрдам бермас, тошбақа
Тўнтарилиб ётибди йўлда.

Ҳар нарсани кўрар аслича,
Шу ётишда даҳо бўлиб у.
Оёқлари ерга етсайди,
Кўрганидан ўтиб кетарди.



* * *

“Мени севасанми?”

– Ҳа.

Қалбга ўрнашар шодлик.

Булар ишончли гапмас.

“Мени севасанми?”

Жим...

Кейин узун сокинлик.

“Ҳа” деганими – “унут”.

Сендан кўркиш керак, аслида,

Сукут.



* * *

Совуқдан кунушиб бемаксад,
Беманзил кайгадир жунасанг.
Изғирин авж олган,
Сен эса,
Бекатда тунасанг,
Юлдузни тунасанг,
Ойни тунасанг,
Сени тунаб кетса бир гузал!..
Мизгиса жонингни кучоклаб,
Совуқ ухлатмаскан пичоклаб.



Мангу масофа

Бир кунни узокдан,
Тахминан, бир йил,
Берирокдан
Сенга тикилдим.
Ва хайратдан
Тилларим боғлиқ.
Сен томонга
Шошдим,
Интилдим.
Ҳамон кетаяпман
Ортингдан қувиб.
Қачон сенга
Етаман бир йил?



* * *

Мен қаҳр қилишни ўргандим.
Тоғлардан дейсизми,
Тоғлар қаҳр этса,
Тўрт-бешта тошларин ота олади.
Ундан қочиб қолиш қийинмас.
Мен қаҳр қилишни ўргандим
Дарёдан.
Қаҳр қилсам улар оқа бошлайди
Кўзлардан
Ундан қочиб қолиш мумкинмас.



Зиёратда

Унинг жуда кулгиси келди,
Хотирлади ёшлигин, бироқ
Тушинмади сира ҳолига,
Ёритмасди ичини чирок.

Йиғлагиси келди тўсатдан,
Онасини эслади, лекин
Юрагидан ажиб табассум,
Ўрмалади лабига секин.

Унинг жуда билгиси келди,
Ишонгиси келди дафъатан.
Аммо кириб бўлмаган мисол,
Чикиб бўлмас эди Каъбадан.



* * *

Она ер,
Неча юз миллиардда ёшинг,
Момо ер дейми ё Ҳаво ер дейин?
Қанча хиёнатга бўлгансан гувоҳ,
Сенга кийин жуда, менга ҳам кийин.
Бағрингга сиғмаган оҳларинг – тоғлар,
Ҳўл эмас кул қилар кўз ёшинг – вулқон.
Кимлардир кучоклар,
Кимдир пичоклар,
Қани бўлолсайдим жонингга калқон.
Қуёшни ҳар куни суғуриб шарқдан,
Ҳар куни шўрликни ғарбга отасан.
Нени ахтарасан, кимни излайсан,
Номардлар пойида қандай ётасан!?
Қалтироғинг недан,
Титроғинг недан,
Бир зум тўхтаб, аза тутмайсан нечун?
Қанча баҳодирни ямламай ютган,
Элнинг хоинларин ютмайсан нечун?
Қиёматга шошиб бормокдасан ё,
Ўзга бир фитнани қилгансан режа.
Юлдузлар тўкилиб манов сайҳонга,
Ой ҳам ҳомиладор бўлибди кеча.
Она ер,
Оҳларинг куйдираб боксам,
Майли, энди таъна қилмайман бошка.
Ақлим етмас ўйлаб,
Кўзларим зам-зам,
Қандай кириб келдинг бу улуг ёшга?

**УМРИМ БҮЙН
КҮЗЛАРИНГГА ТЕРМУЛСАЙДИМ**



Севги менга кимдан мерос қолган экан?
– Отамданми, десам, отам онамларни,
Кейин билсам, севмай туриб олган экан.
– Бобомданми, десам, бобом момомларни.
Фақатгина чимилдикда кўрган экан.

Севги менга кимдан мерос қолган экан?



* * *

Мен сизни севаман!
Ишонмасангиз,
Уйимнинг калитин бераман сизга.
Мен йўқ пайтимда ҳам бориб очсангиз,
Илгичларда осиг турар бахт.
Дазмолланган, кўринар кўзга.
Уни эгнингизга кийиб олинг хўп,
Бунақа совгалар ҳали менда кўп.



* * *

Сиз менинг кимлигим билмайсиз ҳали,
Қорбобо олдимда ҳеч киммас менинг.
Мен сизга бир бахтлар совға қилайин,
Факат сиз қалбимга тўкилинг, келинг.

Айтинг хоҳишингиз, истагингиз не,
Бир зумда муҳайё қила оламан.
Қўлимдан ҳар нарса келар истасам.
Хоҳламай ҳам сизни севиб қоламан.



Ваъда

Умримиз тенг бўлиб асрга,
Кел, гулим, яшайлик биз бирга.
Вафодан пардалар тутамиз,
Муҳаббат аталмиш қасрга.

Тушмасин ўзганинг нигоҳи,
Тангридир ишқимиз гувоҳи.
Сен учун севгидан нонушта,
Тайёрлаб бераман тонг чоғи.

Пайпоқча тўкийсан ўғлимга,
Қизингга эртақлар айтаман.
Иккисини хурсанд этай деб,
Самоларга бориб қайтаман.

Фариштадан тайинлаб каниз,
Сенинг хизматингга ёллаيمان.
Бахтни қувиб, тутиб олиб, сўнг
Оёғингга маҳкам боғлайман.

* * *

Тонг отмокда, азизам, бу тонг,
Иккимизга карашли танҳо.
Озроғин бер карши бўлмасанг,
Тонгсиз қолиб кетмай дунё то.

Бўлди, жоним, ёшларингни арт,
Олам яшнар туйғуларингдан.
Табиатнинг кўрки учун шарт,
Тухфа этгин кулгуларингдан.

Қулоғинг тут бир гап айтаман,
Ишонишинг мумкин мутлако.
Энди фақат тонгимиз отгай,
Кунларимиз ботмагай асло!



У ёкларда шеър ёзмасдим мен,
Чумолича чикмасди сасим.
Тангрим мени юборди ерга,
Сенга тушиб колгач хавасим.

Сен жисмимга қадама нигоҳ,
Ижарага олганман уни.
Жаннатлардан воз кечдим, эй моҳ,
Гўзаллигинг кўрганим куни.

Рашк килиб, хурларим қўймасди,
Тўсибон сен томон йўлимни.
Ул бокий дунёдан отландим,
Бўйнимга олдим у ўлимни.

Севаман! Лек гулим, билмадим,
Насиб этадими висолинг.
Мен сени шунчаки севмадим,
Тангримни эслатди тимсолинг.

Ғазалга хавас

Дўст колмади менга ўзга
калам бирлан коғозимдан,
Ўғитлар ўрганиб ўсдим
хаёт номли маросимдан.

Дилимда дилдорлар ўсди,
йўлимни минорлар тўсди,
Ишқ – юракнинг яқин дўсти,
қўймасин сарвпозимдан.

Қулоғимда хануз сўзи,
айтган париларнинг ўзи,
Кўр дедилар севги кўзи,
танир мени овозимдан.

Орзуни қутказиб кўрдим,
армонга ютказиб кўрдим,
Ҳар неки ўтказиб кўрдим
виждон номли тарозимдан.

Мақсадим пок етодирман,
ишқ этагин тутодирман,
Рухман, бир кун кетодирман
тана деган либосимдан.

Ўтмас энди ҳеч баҳона,
дўстлар Жўрабек Жаҳона,
Ошдим чунки бир поғона
севги берган лавозимдан.

* * *

Иккимиз ҳам ерда яшаймиз,
Фариштага ўхшайсан бироз
Фарқимиз, сен ёмон кўрасан,
Мен жуда ҳам севаман, холос.

Нега бунча киласан каҳр,
“Севмайман” деб ичмагил касам.
Ишонмайман, не килай ахир,
Кўзларингда юрсам, яшасам.

Бўхтонларга ишонмасман, йўқ,
Шубҳаларга қилурман шубҳа.
Нимагадир, сендан кўнглим тўқ,
Нимагадир, менда кўнглинг йўқ.

Иккимиз ҳам ерда яшаймиз,
Учиб кетма факат аршингга.
Севиб колар эдинг фариштам,
Қараб қўйсанг агар қаршингга.

* * *

Хаёллардан оламан таътил,
Ҳаётга кўркмасдан бокаман,
Энди айта оламан дадил,
Минг йил бўлди, сенга ёкаман.

Орзуларим берар истеъфо,
Рўё билан улфат бўламан.
Агар сени ким қилса даъво,
Ишон унга қулфат бўламан.



* * *

Сен деб кимдир яшаса, тавба.
Ва сени деб чакмоқлар чакса,
Офтоб ҳамма учун бокса-ю,
У офтобга, сени деб бокса.
Бу не хол, бу не гап бўлади,
Бунга кандай чидаб бўлади?



* * *

Яшолмасанг керак мен билан,
Чидайман деб айтсанг ҳам илло.
Тортмани очасан – чиқади сўзлар,
Сўз йиғаман, йиғмасдан тилло.
Сўзлар чиқаверар ёстик остидан,
Жавонларнинг ичида ҳам шу.
Чўнтагим ковлайсан,
Ҳамён титасан.
Сўзлар, мана, Сўзлар,
Яна Сўзлар-ку.
Ошхонага кирасан чопиб,
Очасан қозонни,
Сўз чиқар камдай.
Тортинмасдан юради уйда,
Меҳмон бўлиб келган укамдай.
Музлатгични очасан музлар,
Эритасан ичмоқ учун сув.
Музлар эриб, бошлар томчилаб,
Сўз тушади хунук ва сулув.
Жаҳлинг чиқиб олиб жомадон,
Кетдим дейсан,
Йиғлайсан хўнг-хўнг.
Яна уйга қайтиб келасан,
Жомадонни очганингдан сўнг,
Сўзларимни қайтиб бергани.

Яшолмасанг керак мен билан.



Салом айтманг,
Алвидо айтманг,
Соғинчларим қачон тинади.
Кетиб қолманг
Йўқ-йўқ... Сиз қайтманг,
Ўйлаб топинг бошқа нимадир.
Шундай нарсa ўйлаб топингки,
Эшитмаган бўлсин ҳеч кимса.
Ҳавас қилсин,
“Дод” деб йиғласин...
Такдиримиз эшитса, билса.
Қисматимиз тинимсиз айта,
Қуёш қуйсин,
Шамоллар елсин.
Ҳазрат Навоийлар туғилсин қайта,
Ҳазрати Бобурлар дунёга келсин.

* * *

Эй, малак кел менга ҳам,
Ишкнинг тотини сездир.
Мажнун этиб дунёмас,
Ер-у самони кездир.
Мени Мухаббатга элт,
Мени Мухаббатга элт,
Мухаббатга элтгин-у
Кейин яшашдан бездир.



* * *

Сиз ухлайсиз.
Сизга не ғам
Менинг бедорликларим?
Уйғонинг, хой!
Каранг, бу ой
Менингдек кўнгли ярим.
Кун пардаси йиртилдими?
Милт-милт этди чироклар.
Бу тун – савол.
Бу тун – завол.
Бутунлай ғолиб оқлар.
Мен бедорман.
Менга нима
Сизнинг сокинлигингиз?
Шафқат қилинг,
Факат биллинг,
Менга ёкишлигингиз.

* * *

Тун.

Тик-тик.

Деразамни чертиб,

Йиғлайди ёмғир.

Нимадир демокка

Жуда ҳам интиқ,

Қулоғимни тутаман

Секин:

– У киздан нари юр,

у киздан бекин...

Қулоғимга шивирлар

Ёмғир:

– У кизга ишонма,

У киз тошбағир...

Ойнани ёпаман оҳишта.

– Нега ишонмайсан?

– Нимага, ахир?!

Ойнам ёпиш олди

айтган сўзи шу,

тагин чертиб-чертиб

нелар дерди у.

Тонг.

Ҳамон ойнам чертиб,

Йиғлайди ёмғир.

Қулок солмай кўйдим
Бу оҳ-у зорга,
Кўчага отландим,
Қайғалиғи сир.
Ёмғир ўғит қилди
Айланиб корга:
– Ишонма,
ишонма,
сен у дилдорга.
Учрашувга бордим
Мен кечикиб сал,
Кечикканим барин
Қилиб кўйди ҳал.
Энди бошим узра
Ёғар эди дўл:
– Баттар бўл!
– Баттар бўл!
– Баттар бўл!!!



Йилларки ўтса-да суратинг,
Ҳали ҳам нимадир демокчи.
Ойнаи жаҳонда хансираб,
Бўривой куённи емокчи.

Елкангда шойигул рўмолинг,
Шамолда ҳилпираб тургандай.
Ёнингда дугонанг рўмолсиз
Аразлаб лабини бўргандай.

Нимадир демокчи бўлардинг,
Қўлингдан тутсам мен охиста.
...Ўғилчам иштонин хўл килди,
Бакирдим: — Ол буни, Шоҳиста.

Рўмолсиз дугонанг рафикам,
Бугун кўп хар турли рўмоли.
Бўривой куённи тутганди,
Шўрликни талади чумоли.

Телефоним ёкимли жиринглар,
Кўтардим. Ким нима демокчи?
Танишрок бир овоз янгради:
– Байрамнинг муборак, алдоқчи...

* * *

Сенга етишмоқлик –
энг олий бахт бу!
Қаттиқ кўркиб кетдим мен бўлсам,
Жуда чўчиб кетдим мен бўлсам.
Ҳаддан ортиқ бахтли бўлишдан.



* * *

Менга жуда кераксан, дилдор,
Сен ҳаётим маъноси, нақши.
Қандай яхши: Сени севаман!
Лек сенизлик ундан-да яхши.

Ҳушёрликни суймайдн ҳушим,
Ишқ майидан бунча бўлдим маст.
Сен жонимга жон бағишлайсан,
Мен жонимга қилгим келар арз.

Тушларингда изғийди кимлар,
Кошки эди буни тушунсанг.
Даҳшатмасми, мен жим ётаман,
Сен кимнингдир тушига кирсанг.



* * *

Умрим бўйи кўзларингга термулсайдим,
Қароғингни шодликларга тўлдирсайдим.
Қорачиғинг – мовий! Денгиз мисол тубсиз,
Шу уммонга шўнғиб ўзни ўлдирсайдим.

Кулдирсайдим, лабларингни
кулдирсайдим,
Ёноғингда кувончларни ундирсайдим.
Икки ўтда қолиб кетган оввораман,
Дилни сени севмоқликка кўндирсайдим.





Қорачиғим тирнар қорачиқларинг,
Қорачиғларингда бор аччиқларинг.
Қўзларинг бунчалар чиройли десам,
Юзингни беркитиб аччиқ йиғладинг.

Бошладингми энди оғрир бошларинг,
Нигоҳларим кесиб ташлар қошларинг,
Кафтларимда тутиб қолмоқчи эдим,
Бунча оғир экан, жоним, ёшларинг.



* * *

Сен кетдинг..
Енғларим силкиб кўл,
Айрилиқ азобин англади.
Шу куни..
Кўйлагим бунча хўл,
Йиғлади, йиғлади, йиғлади.

Сўнг сени эслатиб суратинг,
Охири сарғарди газабдан.
Билмадим, дастрўмол,
Қайсидир гапдан
Кўнглини тиглади.

Пайпок пойабзалин кийди-ю
Қайгадир шошди ва жўнади.
Ҳаёт шу!
Қисмат шу!!
Такдир шу!!!
Пешона бориға кўнади.
Сен кетдинг..
Шу куни..
Бир шиша дунёга сиғмади.



Шивирладинг. Кулоғим тутдим,
Елғиз эдик хонада бирок.
Менинг жуда китиғим келди,
Сени эса чулғади титрок.

Эшитмадим. Шамол турди сўнг,
Раксга тушиб кетди пардалар.
Кўшиқ айтган йўк эдим, балким,
Тинмай берар эдим ваъдалар.

Пичирладинг, кейин турдинг-да,
Фариштадек охиста юрдинг.
Кўзларимга термулиб мамнун,
Чапак чалиб кулиб юбординг.

Эшик тақиллади, очмадим,
Куйлардинг мен севган кўшиқни.
Телефон жиринглади кўтарсам,
“Очмайсизми, дердинг, эшиқни”.

Овуттиш

Нимага йиғлайсан? Нимага
Тентак...
Онанг истаги-ку
Отанг хоҳиши шу.
Уларнинг айтгани тўғридир, балким.
Эҳтимол,
Эҳтимол
Сенга яхши шу.
Мендай девонани нетасан, гулим?
Чўнтагимдан сўзлар юрар тўкилиб.
Тақдир йўлларида кетаяпмиз ҳамон.
Сен холангни карғаб,
Мен-чи сўкиниб.
Сени сотишмоқда
Қара-я – кара
Нарҳинг бичилиб ҳам колгандир
ҳозир...
Менинг-ку юрагим
Яра-я – яра
Бизларда бахт йўқми, бўлмасми нозил.
Сенинг бахтинг учун килинган бари,
Ана, сен келинсан, рафика яна,
Менинг тасаввурим кенгайган сари
Онасан, онасан, онасан, она.
Сени нелар кутиб турибди, кўргин.

Кўзинг ёшларини чимилдикка арт.
Мана, мен тўхтадим. Сен эса юргин.
Юргин, юравергин бахтли бўлиш шарт.
Тўйинг, бахтинг кўриб янграсин карсак,
Йиғлама, йиғлама, йиғлама
Тентак.



* * *

Хонадан чикмокка кўркасан киши,
Кўркасан ойнадан бокмокликка ҳам.
Мен чидай олардим бардошим етиб,
Дунё чидолмаган аҳмокликка ҳам.
Лекин хиёнатга,
Бевафоликка...
Ўйлаб кўриш керак бу хусусида,
Менимча,
Йўқ. Аник. Бардошим етмас
Севгилимни кўрсам товус тусида.



* * *

Мухаббат бор дедим, ишкни бор дедим,
Мен севганим менга вафодор дедим.
Кўрдим севгилимнинг вафосизлигин,
Бу дунё аслида жафокор дедим.

Инониб, ишониб, кучиб дўст дебон,
Адолат изидан югурдим, чопдим.
Надомат, нафратга дуч келиб ҳар он,
Қидириб, ахтариб хиёнат топдим.



Ҳазил

Сизга телефон қилмайман қайтиб,
Агар қилсам, қўлларим сінсин.
Парилар бор бошимда, дейсиз,
Елкангизга шайтонлар минсин.

Тунлари ҳам ухлолмай чиқинг,
Нималардир кетсин чимчилаб.
Чарчаб кетсин, толиқиб кетсин,
Ажал сизга ўлимлар тилаб.

Сочингизни тортиб ажина,
Бошингизга тарсаклаб урсин.
Қабулига чақириб севги,
Кейин юзингизга тупурсин.

Оҳингизни эшитмай ҳеч ким,
Ёшларингиз дарёга етсин.
“Жўрабек” деб айтсангиз бир кун,
Юрагингиз йиртилиб кетсин.

* * *

Гулим, келажакдан умидингиз тўқ,
Гўёки Хизрни кўрган одамдай.
Кулсангиз нимадир камлик қилади,
Йиғласангиз недир етишмагандай.

Қар бир сепкилингиз бахтга нишона,
Шодликка бўй чўзган киприкларингиз.
Қалбим кошонадир денгиз ортида,
Қачон туташади кўприкларимиз.

Пари эканингиз ҳеч кимга айтмам,
Худди одамлардек яшайверинг хўп.
Билсангиз дунёда ёмонлар бисёр,
Ишонинг, яхшилар улардан-да кўп.

Ахир, туғилгандан ўлгунга қадар,
Яшаб бўлмаслигин билдим эзилиб.
Бугун сепкилингиз кўриб ногоҳон,
Ўзимга бахтлидек кетдим сезилиб.

Ўйин

Кел ўйнаймиз, кўзинг юм,
Кейин сана юзгача.
Эслайверсам, ёшликнинг,
Ўйинлари ўзгача.

Бир, ўн, тўксон, кейин юз,
Беркин, сени топаман.
Қаерларга яшриндинг?
Чор томонга чопаман.

Ранжибон дилим хуфтон,
Кечардим ўйиндан воз.
Қанча беркинган бўлсанг,
Тополмаганлигим рост.

Сенинг галинг тўксон, юз,
Беркинаман жон хаста.
Топиб олаверардинг,
Қийналмасдан бирпасда.

Улғайиб яшириндик,
Юз, тўксон, ўн, сўнг бир де.
Мен сени тополмайман,
Мени ўзинг топиб ке.

Адабиёт муаллимасига

Сен Чўлпондан берасан савол,
Ғафур Ғуломдан ҳам сўрайсан.
Бир талабанг ўтирар беҳол,
Қачон унга
Қачон қарайсан?
Кимдир савол беради сенга –
“Севганмисиз сиз ҳам кимнидир?”
Нега жавоб бермадинг,
Нега?
Борми?!
Бўлса мендай жиннидир?
Сен Ойбекни мактайсан тағин,
Факат мендан айблар излайсан.
Уйинга борасан, сумкангни очиб,
Хат топасан...
Кейин йиглайсан.
Эртасига мен жуда ҳам шўх,
Сен бунчалар недан фаромуш.
Дарс ўтасан худди касдинг йўқ,
Сессияда очасан уруш...

Медея

О, кўхна дунё бу
О, кўхна дунё
Не-не манзарага бўлмаган гувоҳ.
Муҳаббат,
Хиёнат,
Рашк дейинми ё?
Бундай қабоҳатдан биттаси эй, воҳ
Медея!
Медея, сен қотил онасан бунда
Сен қотил опасан,
Сен қотил кўнгил.
Хуллас, мақоминг шу — кундузми тунда,
Менинг ўйлайвериб юрагим чигил.
Ясон, аслида-ку, айбдор ўзинг
Хиёнаткор, худбин, бевафо банда.
Тожу тахт бойлабон қўйдими кўзинг,
Дилбандингга ўзинг бўлдинг кушанда.
Камонинг – Медея.
Ўкинг – Медея.
Бехато ураркан нишонини ул.
Медея оклайин сени не дея?
Севганинг,
Ишончинг айбингми ё шул.
О, гўзал Глафка,
Ох, гўзал малак!

Ишкнинг қурбонисан,
Рашкнинг Қрионт.
Нега қулаб тушмас,
Нимага фалак?
Медея қасос деб ичганида онт.
Агарки, ишқ шундай топса ниҳоя,
Агарки, рашк шундай келтирса офат.
Икки норасида ҳақки, эй Доя,
Йўқолсин инсонга бермай талофат,
Муҳаббат,
Муҳаббат,
Муҳаббат!!!



Мактуб

(Пушкинга ўхшашма)

Мени кечиргайсиз гуноҳларим чун,
Бу хатни битмадим олдин мен нечун?
Журъатим етмади, сиғмади ҳаддим,
Сизни кўрсам шошиб доимо ақлим.
Унитиб кўярдим айтар сўзимни,
Сиз кетгач, койирдим ўзим ўзимни...
Энди...
Энди бошқа жим юролмайман,
Вақтни ҳам орқага қайтаролмайман,
Олдинда келажак ҳамда тақдирим,
Сиз учун аталгай ҳар битта шеърим.
Сиздан бир илтимос,
Илтимосим шу:
Севги изҳор қилсам сиғиб гар ҳаддим,
Қўркаман, қўркаман, қўркаман Раббим.
Шаҳло кўзларингиз тўлиб газабга,
Қулоқ солмасангиз бирорта гапга.
Ва мендан бутунлай ўгирсангиз юз,
Қўркам баҳорларим бўлиб қолса куз...
Мен нима қиламан...
Айтинг...
Нетаман?..
Ҳар окшом ётишим олди Худодан,
Сўрайман эртага сизни кўрайин.
Биламан, мен сизни кўрганим сайин,

Кўнглимда нелардир бўлиши тайин...
Эрталаб...

Эрталаб эркалаб уйғотар куёш,
Сизни дея оқшом тўкилган кўз ёш,
Ғойиб бўлар куёш хароратидан,
Сўнг севги маъбуди бевужуд, бетан,
Кўзимдан ёшларим бир-бир артади,
Ва мени бағрига секин тортади.
Овутгандек бўлар мени ўзича,
Бахтли бўларканмиз унинг сўзича.
Сўнг мен отланаман сизни кўрмоққа,
Ёнингизга бориб дардим ёрмоққа.
Ана, яна сизни кўраман беҳол,
Ёнингизга бора олмасман не ҳол?
Сиз шундай покиза, шундай беғубор.
Шунчалар маъсумсиз, шунчалар хоксор,
Ўзим айбдорман, ўзим гуноҳкор...
Журъатсизлик менга беради азоб,
Азобнинг изидан чексиз изтироб.
Сиздан бир илтимос,
Илтижойим шу:
Севги изҳор қилсам чўкиб олиб тиз,
Сўзларимни тинглаб бўлгандан сўнг сиз,
Сўзларимни англаб бўлгандан сўнг сиз,
Деманг...
Деманг, кечикдингиз бир озга эссиз.
Гапларим тугади мен сизга таслим,
Энди не қилсангиз сизда ихтиёр.
Истанг бахтсиз этинг,
Истанг бахтиёр.

**ИСТИҚЛОЛ
НОМАСИ**

1 Сентябрь

Кутлуғ саналар бисёр бу кўхна дунёларда,
Бир сана кезиб юрар, каранг, хуш
маъволарда,
Пичирлаб айтсам ҳамки, янграгай
самоларда,
1 сентябрь, 1 сентябрь!

Етмиш йилнинг устидан бир кунда
голиб чиккан,
Кетмонларни даладан таътилга олиб чиккан,
Навоийни авайлаб қўйнига солиб чиккан,
1 сентябрь, 1 сентябрь!

Бобом қабрин авайлаб, момомни
кувнатган кун,
Отамни хушнуд айлаб, онамни
қуйлатган кун,
Ўзбекни ўзбек айлаб дунёга бўйлатган кун,
1 сентябрь, 1 сентябрь!

Шаҳарларга кўрк бериб, кишлоқни
шаҳар этган,
Пулҳокимни Пойтахтга яқин
ҳамшаҳар этган,
Қопкаро тунларимни мусаффо сахар этган,
1 сентябрь, 1 сентябрь!

Мавзудир мингта асар яна мингта дostonга,
Заминга шукур бўлсин, шукур бўлсин
осмонга,
Янги давр бошлаган янги Ўзбекистонга,
1 сентябрь, 1 сентябрь!

Озоду обод юртда ҳар дарахт кирар тилга,
Шодон қикирлаб қўяр туртиниб кетсам елга,
Муборак бўлсин дейман шу қутлуғ
сана элга,
Қутлуғ бўлсин дейман шу муборак
сана элга,
1 сентябрь, 1 сентябрь!



Талабалар шаҳарчаси

Хотирамдан кетмайди ҳамон,
Гўзал оқшом.

Қизнинг дарчаси.

Ётоқхона жаннатий макон,
Ер шарининг митти шарчаси –
Талабалар шаҳарчаси.

Сезилмайди согинчу фироқ,
Кўрганларим меҳр – барчаси.
Ярмиси не, билмайман, бироқ,
Юрагимнинг ярим парчаси –
Талабалар шаҳарчаси.

Қувончлар кўп, ғамларимиз кам,
Келади-да кўпнинг ҳаваси.
Панд бермаса, агар хотирам,
Ўтган гўзал чоғлар, чамаси –
Талабалар шаҳарчаси.

Шунча қизлар қолиб, топганим,
Қизчаларнинг энг заҳарчаси.
Сессиялар кийнар, ёпганим –
Наврўз, янги йилнинг арчаси...
Талабалар шаҳарчаси.

Кўзимизга чўп қадолар ким,
Ўзимиздан бўлса барчаси...
Дунёларга келди ҳайкиргим:
Серқуёш юрт сер қуёшчаси –
Талабалар шаҳарчаси.

Аскарнинг хати

Салом, юрибсизми соғу саломат,
Қийнаб қўймадими ҳаётнинг иши?
Жонингизга тегиб кетгани йўқми,
Йиғитларнинг севги изҳор қилиши?

Яшнаб юргандирсиз ҳаётдан мамнун,
Кулгингиз оламга улашиб қувонч.
Шундай табассумни асрашим учун,
Жасур юрагимда бор қатъий ишонч.

Мендан сўрасангиз оддий аскарман,
Ҳар бир кадамимда Темур шиддати.
Ватанимни жондан ортиқ кўрурман,
Йўқса сизни бунча севмасдим ҳали.



Камолот кошонаси

Юзларда ним табассум,
Уларни бахт қитиклар.
Бири биридан маъсум —
Ўғли хурсанд кикирлар,
Ундан-да шод онаси,
Камолот кошонаси.

Нуронийлар алкашиб,
Дуоларга кўл очгай.
Китоб билан дўстлашиб,
Дунёларга йўл очгай —
Қизимнинг дарсхонаси,
Камолот кошонаси.

Ром этади бағоят,
Бу уйлар бир карашда.
Туришар килиб ният,
Аршдан мингта фаришта:
Нур бўлсин остонаси
Камолот кошонаси.

Тўлиб борар юрагим,
Ялпиз янғлиғ ҳисларга.
Кўкка етди кўкрагим,
Истиклолнинг бизларга,
Юборган зўр номаси —
Камолот кошонаси.

Ҳар хона нурхонадир,
Нурхона пирхонадир.
Ёмонликка ўрин йўқ,
Яхшилик пинҳонадир,
Уйларнинг дурдонаси –
Камолот кошонаси.



Китоблар байрами

Мағзи ҳикмат, кадри қиммат, сир китоблар,
Боғ китоблар, тоғ китоблар, қир китоблар.
Ҳали бола, ёши улуғ, пир китоблар,
Савлат тўкиб турар, қаранғ, бир китоблар,
Бир китоблар йиғилганки, бир китоблар.

Қай бирини очманг, албат, дур сочилгай,
Қатларидан бир ажойиб нур сочилгай,
Қалбингизга ғурур ё сурур сочилгай,
Бир китоблар йиғилганки, бир китоблар –
Мағзи ҳикмат, кадри қиммат, сир китоблар.

Ҳар бир китоб бунда битта қутлуғ Ватан,
Озод Ватан, обод Ватан, улуғ Ватан,
Ҳар бир дилга муҳрлангай ўтлуғ Ватан,
Бир китоблар йиғилганки, бир китоблар –
Ватан ҳақда бўлур асли зўр китоблар.



Шифокорлар

*Шоирлар шифокори
Анвар Ражабовга*

Кимдир катта иш кўрсатиб олам кезар,
Кимдир кимга ниш кўрсатиб дилни эзар,
Кимдир битта ғишт ўрнатиб юртни безар,
Юрт кўркига кўрк кўшади бинокорлар,
Бинокорни даволайди шифокорлар.

Ошик дилдан севгисини изҳор этар,
Давоси чин бўлса, дилни хушҳол этар,
Бу мухаббат сўнг дунёни ишғол этар,
Оламга жон бўлар шундай фидокорлар,
Фидокорни даволайди шифокорлар.

Даво истаб бемор келар, дардлар келар,
Номард келар, танти келар, мардлар келар,
Гоҳ душманни даволашга шартлар келар,
Қасамига содик шундай шифокорлар,
Шифокорни даволайди шифокорлар.

Эҳтиром

Кўкдан ерга юборилган малакдирсиз,
Мехр балқиб турган мушфик юракдирсиз.
Боқиб турсам, ҳар бир ишда сариштасиз,
Фариштасиз, ошиқ дилга тилакдирсиз.

Оналарим, опаларим, сингилларим,
Десам ажиб титраб кетар ўнгирларим.
Бир кулсангиз, дунёларим яйраб кетар,
Сайраб кетар юракларим, кўнгилларим.

Кулолингиз не қўшган-а лойингизга,
Бахтлар келгай кадам қўйган жойингизга.
Изларингиз ўпсам арзир ҳам бу фарздир,
Жаннат ўзин тўшаб қўйган пойингизга.

Шаҳдлар қилдик, ажойиб бир
аҳдлар қилдик.
Кўнглимизда сизга атаб тахтлар қилдик.
Сизлар билан мунаввардир бу тахт бизга,
Сизлар билан толе ёрдир ҳар вақт бизга.
Қалбимизни эзгуликка ўргатиб сиз,
Бахтли бўлиб яшайверинг бахтимизга.

Тилак

Сиз учун билдирай бугун бир тилак,
Не ҳам беролардим тилакдан бўлак.
Яйраб яшайверинг соғу саломат,
Борлигингиз ўзи бахтдан бир дарак.

Туринг севги сари қадамлар ташланг,
Эртани кутмасдан бугундан бошланг.
Зориқсангиз фақат зорикиб дардга,
Кўзингизни ҳар дам шодликдан ёшланг.

Не керак бойликми, тўлинг бойликка,
Чирой керак бўлса, ўхшанг ойликка.
Фарзандлар ўстириб, суйиб набира,
Бағрингиз ўхшасин бағрикенг кўкка.

Шайтонсифатларнинг кўрмай афтини,
Сезиб яшайверинг дўстлар тафтини.
Бахт тилаб онангиз юз ёшида ҳам,
Дуо қилаверсин очиб кафтини.

Не ҳам диёлардим булардан ортиқ,
Бахт тилай олурман, қилолмам тортиқ.
Курашинг, тирмашинг, чирмашинг бахтга,
Шунда шодликларин аямас борлиқ.

Бобомнинг сурати

Момомни бир умр ўртади ёмон,
Бобомнинг фронтдан жўнатган хати.
Термулсам, тилкалар бағримни ҳамон,
Бобомнинг урушда тушган сурати.

Орзулари кетди ўзлари билан,
Тўйма-тўй юрмади дўстлари билан.
Фарёд қилиб турар кўзлари билан,
Бобомнинг урушда тушган сурати.

Кўзига термулиб туролмам узок,
Уларда ўтинч бор, ўкинч бор, юз ох.
Сўрагандек бўлар холига изох,
Бобомнинг урушда тушган сурати.

Расмдаги йигит мендан ёшроқдир,
Кўргани аламдир, ғамдир, фироқдир,
Юрагимга кўчган кетмас титроқдир,
Бобомнинг урушда тушган сурати.

Қувонади бугун бизга қараб у,
Урушни қоралар, тинчлик тараф у,
Хотираси абад, мангу шараф у,
Бобомнинг урушда тушган сурати.

**АДАБИЁТ
АЛИФБОСИ**

Абадият

Тунда Миллий бокка келади Пушкин,
Ҳазрат Навоийнинг зиёратига.
Бу пайти уйқуда бўлади Тошкент,
Мўъжиза келмайди хаёлотига.

Кўришгач жонланиб, кўнгли қувониб,
Сухбатлар бошланар адабиётдан.
Пушкин байтлар ўқир юраги ёниб,
Ғазаллар тинглайди мўътабар зотдан.

Қандай сўзлашмоқда, ахир, даҳолар?..
Ҳайратлари тошиб борар одамнинг.
Таржимон не керак, пирлари улар –
Адабиёт деган буюк оламнинг.

Адабиёт алифбоси

(достон)

I

Математик дўстим, адашайисиз
Олам ракамлардан иборат эмас!
Физиклар, бу дунё сиз айтган мисол
Атомлардан бино иморат эмас!
Тан олсангиз эди ноҳаклигингиз,
Борлик зарралардан ташкил топмаган.
Нахот, кўрмасангиз атрофни тугал –
Бутун коинотни ҳарфлар коплаган.

II

Ҳарфларнинг бирикмасида
Яшайпман сизлар сингари
Мана ўша ҳарфлар:
“Д”, “у”, “н”, “ё”.

III

Ҳарфлар босиб турар елкамдан,
Биноларга боксам кўзимга
Иккита ҳарф кадалаверар:
“у”, “и”.

IV

Охангларни тинглар эканман,
Қулоғимга ноталар эмас
Ҳарфлар оқиб бораверар:
“К”, “у”, “й”.
Ҳарфлар бир-бирига урилиб,
Жаранглайди жуда ёкимли.

V

Инсон борки унинг, албатта,
Ҳарфлардан иборат махсус
кодн бўлар билсангиз —
Исми.
Масалан, мен дўстимга боқиб,
Исми билан ёнма-ён турган
“С”, “О”, “Д”, “И”, “К”
харфларини ўқийман ҳар гал.

VI

Осмон ҳарфларни сарфлар
Ерга ёғаяпти, айтмоқчи
Кўкдан саноғи йўқ ҳарфлар —
“Т”, “О”, “М”, “Ч”, “Н”.

VII

Аслида гул эмас кўлларингизда,
Кўзингизни кувнатиб турган.
Сиз уни томоша қилмадингиз йўқ,
Факат ушбу ҳарфлар ўқилган:
“А”, “т”, “и”, “р”, “г”, “у”, “л”.

Бир жойда ғуж бўлиб тўпланган
Ҳарфларга гар эътибор бериб,
Ўқишингиз билан, албатта
Нимагадир айланар шаксиз.

VIII

Дейлик, ҳарфлар ортиб боргани сари,
Йириклаша бошлар ҳар битта жисм —
Ўсиб бораверар дарахт тобора.
Кичиклашиб кетар ҳайбатли дунё.

IX

Йўргакларда, тилакларда, фалакларда,
Эзгуликка тўлиб тошган юракларда,
Қалкиб-қалкиб порлагувчи ҳарфлар бордир.
Шу ҳарфлар бор олам бордир, одам бордир.
Дўстлар, бизлар шу ҳарфлардан бир
нишона:
“О”, “Н”, “а”.

X

Нимагадир бошка ҳарфлардан
Меҳрим ўзгачарок мана шуларга:

“а”, “н”, “в”, “т”, “а”.

Уларга муҳаббат билан термулиб,

Ўкий бошларканман дафъатан,

Кўз олдимда гавдаланади

Оналардай мушфик,

Оталардай меҳрибон —


“В”, “а”, “т”, “а”, “н”.

XI

“О”, “н”, “а”, “В”, “а”, “т”, “а”, “н”.

ОНА ВАТАН!





ЭЙ, КҮҢДАГИ ЮЛДУЗИМ

Ўғлим Жаҳонгирга

Сен келдингу олам ҳам ёришиб
кетди бирдан,
Кўзёшларим шодликка коришиб
кетди бирдан.

Порлаб турган кўзларинг дунёни ёруғ айлар,
Яралгансан икки дил, муҳаббат ва меҳрдан.

Илдизларинг бакувват – бобонг
бўлган Темурдек,
Ибн Сино, Хоразмий, Навоий ҳам Бобурдек.
Қалқиб кетсанг чўчимай Алпомишга
суянгин,
Юлдузларга термулсанг кўрингайдир
Улуғбек.

Уларга муносиб бўл, чироклари сўлмасин,
Ибрат билгин йўлларин, титрокларинг
бўлмасин.
Ота юртим шаъни деб, зўр ишга бел
боғласанг,
Боболаринг рухлари, Парвардигор қўлласин.

Улуғ ишлар кўрсатгин – сўзингга
карамайман,
Элга наф келтирмасанг – кўзингга
карамайман.

Она замин ҳурмати, муқаддас тупроқ ҳақки –
Ватан деб яшамасанг – юзингга қарамайман.

Ҳар фарзанднинг отаси ўғлонидан
шод бўлсин,
Ўғлонлар отасидек кўргонидан шод бўлсин.
Мард посбонлар бор экан, тиниқ бўлар
осмонлар,
Замину замон озод, элу юрт обод бўлсин.



Қизим Моҳларойимга

Хуш келибсан дунёга,
Муборак бўлсин, қизим!
Эй, кўкдаги юлдузим,
Ердаги ёруғ юзим!
Шукур дейман самога,
Оламга айтар сўзим,
Дунёни кўрар кўзим.

Билдим, дўстлар жаҳонда,
Бахтлар бор экан шунча.
Кўксимдаги гул, ғунча
Ширин бўлмасанг бунча.
Мана шу жажжи жонда,
Меҳр бўлишин кунча,
Билмасдим сен келгунча.

Ҳали сенга юлдузлар,
Ширин эртақлар сўзлар.
Ватан билан ёнма-ён,
Бирга улғаясизлар.
Кутиб тургани аён,
Етмушлар, тўксон, юзлар
Жонингда колган излар,
Юртдан ўтган илдизлар.

Қуёш кетмай йўлингдан,
Ўтиб ўнгу сўлингдан,
Қўрсатади дунёни.
Ўргатади зиёни
Бахтлар тутиб қўлингдан,
Қутлуғ бўлсан дунёга,
Қадами қутлуғ қизим.
Сўзлари ўтлуғ қизим.
Эй, кўкдаги юлдузим,
Ердаги ёруғ юзим.



Покизанинг муаллимасига

Олам гўзал сиз каби,
Окил аёллар билан.
Дўст бўлдик китоб, калам,
Ширин хаёллар билан.

Барчасига сиз сабаб,
Барчаси сиз туфайли.
Сўзларимиз маъноли,
Гапларимиз чиройли.

Она мисол асрайсиз,
Ҳар бир ўғилни, кизни.
Синфдошлар барчамиз,
Яхши кўрамиз Сизни,

Ўқишни ўргатдингиз,
Ҳеч қачон унутмайман.
Икки кўлим кўксимда,
Чин дилимдан қутлайман.

8 Март

Меҳрибонсиз ҳамиша,
Чаман бўлинг, боғ бўлинг.
Болажонлар бахтига,
Омон бўлинг, соғ бўлинг.

Тилагим шу оналар,
Тўқнаш келманг дард билан.
Чин юракдан қутлайман,
8 март билан.



Иродага

Ҳамма ҳарфни ўрганиб,
Кўнги́л кўйди́м китоба́га.
Ассалом, де́б хат ёзи́б,
Жўнатаман офтоба́га.

Олмага “О” кетади,
“К” кетади коптокка.
Қуёшга келинг дейман,
Бизнинг гўзал мактаба́га.

Шабнам мисол беғубор,
Булоқ каби тозаман.
“Алифбе”дан ҳарф олиб,
Турли сўзлар ёзаман.



Янги йил

Ироданинг шеъри

Қорбобога хат ёзиб,
Таклиф қилдим байрамга.
Онам айтган, қулоғинг
Тутма дея найрангга.

Ялмоғизой корқизни,
Ўғирламанг майлими.
Ё бу қилмишингизни,
Онангиз билмайдими?

Кичкина ялпиздайман,
Ўзим ҳам корқиздайман.
Қорбобожон, қорбобо,
Яхшиликлар истайман.

Китобни кўп ўқийман,
У кўнгилни тозалар.
Айтиб берсам укамга,
Ялмоғизни жазолар.

Ўйинчоқлар осилган,
Чироклар ҳам арчага.
Қорбобо совға қилгин,
Худо бахт бер барчага.



Юракни яйратинг,
Дилни сайратинг,
Ҳаттоки Хизрнинг кўлидан тутманг,
Тилла баликни ҳам бир умр кутманг,
Хохланг эслаб қолинг,
Хохланг унутинг.
Мўъжиза яратинг!
Мўъжиза кутманг!



ЖЎРЛИККА ЖАҲД

*Дўстларга ҳамоҳанг,
жўра бўл, жўр бўл...*

Ғафур Ғулом

Бадний ижод чексиз коинотда жорий бўлган буюк уйғунликка қондош ва табиий жўр бўлишдир. Ушбу уйғунликдан бетиним янграб турувчи садолар бағрида бўлиш, уларга тил ато этиш ҳар қандай ижодкор руҳнинг қисмати ҳам саодатидир.

Бундай юксак гаплар ёш шоир учун ўринлимикин, дейишлари мумкин. Лекин ижод майдонига қадам қўйган ҳар бир одам ушбу жўрликни қалбан, кўнгил тубидан сезиши, туйиши зарурдирки, шундай туйғу бўлмаса, ижод ижод эмас, қалбакилик, имитация бўлади, холос. Фақат олий мақсадгина катта ижодни бунёд этади. Қалбакилик билан узокка бориб бўлмайди. Адабиётни алдаб бўлмайди, у алданмайди.

Бундан икки йил илгари нашр этилган “Туйғулар шаҳарчаси” китобига кирган бир шеърида Жўрабек Жаҳон “Ер шарининг митти шарчаси – Талабалар шаҳарчаси”, дея ёзар экан, бундаги топилдик туйқус кўзга ташланмайди. Лекин бундаги робитани –

Ер кайдаю, талабалар шаҳарчаси кайда – топиш, англаш учун шоирона тахайюл лозим, албатта. Бир ташбеҳ билан ҳар бир толиби илмга кадрдон бўлган маскан бирдан янги миқёсга кўтарилади. Образнинг ҳаётини илдизи шундаки, биз одимлаётган ҳар бир қарч ер она сайёрамизнинг, қуруқроқ эшитиладиган Ер шарининг қонуний бир бўлагидир.

Адолат юзасидан айтиш жоизки, бутун шеър ушбу образга муносиб яхлит асарга айланмаган. Юқорида кўриб ўтганимиз поэтик образ қирган илк бандда белгиланган потенциал маъно-мазмун шеър давомида очилмай қолган. Талабалик кечинмалари, хотиралари астойдил қовланса – қат-қат ҳазиналар юз очили тайин. Зеро, “Талабалар шаҳарчаси” шеъри том маънода туйғулар шаҳарчаси (эсингизда бўлса, бу шоир илк китобининг номи) бўлиши керакмасми эди. Шу ўринда Пушкиннинг “19 октябрь” шеъри ҳаёлимда айланади. Алхол хотира – ўчмас поэтик товланишларга эга бўлган сеҳрли маскандир.

Ёш ижодкор ҳақида ёзиш қийинроқ. Қамчилик кўрсатилганда, аяброк ёндашиш, қучга тўлиб бораётган мурғак суякларни синдириб қўймаслик... бу жуда муҳим. Лекин ёш ижодкор асосли танқид ва таҳлилга қидамли бўлиши, адабиётга тегманозик

бўлиб кирмаслиги ҳам муҳим. Чинакам ижод – чидам ва сабот меваси.

Фикрлашда якка ва умумий мувозанатни сақлаш ҳамиша кийин кечган. Шоирнинг у ёки бу шеъри ҳақида гапириш, уни таҳлил қилиш мумкин ва бу нисбатан осон. Лекин ушбу таҳлил умумий манзаранинг яхлит киефасини тиклашда кандай иштирок этади, бунинг англаш ва англатиш унча осон эмас. Лекин умумлаштиришдан олдин муқимлаштириш ҳамиша зарур.

Шу таҳлит Жўрабек Жаҳоннинг қатор шеърларини кўриб ўтсак. “Индамадим чиксада жаҳлим, “Арслонгинам” дея адашдинг” деб бошланадиган “Бўри одам” шеъри том маънода эркинлик ҳақидаги шеърдир. Арслонга менгзалиш кўпчиликка хуш ёқар, лекин қандга алданиб, рақсга тушадиган шер эмас – бўри. Уни кўлга ўргатиб бўлмас. Хотима банд шундай:

*Оҳ, ишқимда телба ҳалагим,
Етолмадинг қалбим тўрига.
Унутгандинг чунки малагим,
Эрк керак эканин бўрига.*

Сўнгги мисранинг ўзгачарок эканига эътибор беринг. Товушлар оҳангдошлигидан (эрк керак эканин) ташқари тўроқдаги ўзгариш (бутун шеър мисралари 4+5 бўлса, бу мисрада 3+3+3) бундаги ҳар бир

турокни алоҳида-алоҳида талаффуз килишга (айтайлик, “бўрига” сўзи якка талаффуз этилиши тайин) мажбур килмокдаки, бу эрк осон эришиладиган матох эмаслигига акустик имкон яратмокда.

“Адабнёт алифбоси” деб номланган каттагина шеърга алоҳида тўхталмокчиман. Аввало айтиш жоизки, унинг номи ўта умумий, катта камровли, менга колса, шеърни “Ҳарфлар ракси” деб атаган бўлардим. Шаклий ўйинга қурилгандек кўринадиган шеър коим табиий-илмий асосга эга. Одам ва бутун олам бетиним жаранглайдиган жараён – товушлар оғушида яшайди. Ҳатто сукунатда ҳам овоз бор, товуш бор. Товушнинг белгилли, кўримли ифодаси эса ҳарфлардир.

Шеър математик ва химик билан бахсдан бошланади:

*Математик дўстим, адашмаяпсиз.
Олам рақамлардан иборат эмас.
Химиклар, бу дунё сиз айтган мисол.
Атомлар яратган иморат эмас!*

Мен бу банд ҳақида аввал шундай ёздим: яхши ва янги гап айтиш учун илгари кашф этилган улуғ ҳақиқатларни рад этиш шарт эмас. Улуғ ҳақиқатлар бир-бирлари билан тўқнашмайдилар, ёка бўғишмайдилар. Сиртдан бир-бирига қарши бўлиб кўринадиган улуғ ҳақиқатларнинг ўзаро қўл олишиб, қу-

чоклашиб кўришишини кузата олганимизда эди, улуғ кашфиётлар нақд кафтимизда бўларди, хойнахой.

Сўнг ўйладим. Менинг бу фикрим тўғри бўлгани ҳолда ҳам, шоир фикрда ноҳақ бўлган тақдирда ҳам ўз поэтик фикрини айтишга ҳақли. Лирик ҳиссиёт нимадандир туртки олиши керак-ку. Шеър давомида ёзилганидек:

*Наҳот, кўрмаяписиз атрофни тугал –
Бутун коинотни ҳарфлар қоплаган.*

Шу тарика, ҳарфма-ҳарф ёзилган “дунё”, “уй”, “куй”, “содик” (дўстнинг номи), “атиргул” ва ниҳоят “она” ва “ватан” сўзлари бирин-кетин шеър майдонида пайдо бўлади. Ҳар бир ўринда ҳарфлар билан улар бирикиб ҳосил қилган сўз маъно жиҳатдан моҳирона боғланади:

*Осмон ҳарфларни сарфлар
Ерга ёғаяпти, айтмоқчи
Кўкдан саногги йўқ ҳарфлар –
“Т”, “о”, “м”, “ч”, “и”.*

Шеърдаги охириги мисра-банд нуқул ҳарфлардан иборат: “О”, “н”, “а”, “В”, “а”, “т”, “а”, “н”. Яъни муайян ҳарфлар топишиб, бириккан икки муқаддас тушунчани ҳосил қилмоқдаки, бу мантикий поэтик яқундир. Дарҳақиқат, шеърда айтилганидек,

*Йўргакларда, тилакларда, фалакларда,
Эзгуликка тўлиб тошган юракларда,
Қалқиб-қалқиб порлагувчи ҳарфлар бордир.
Шу ҳарфлар бор олам бордир, одам бордир.*

Тўпламга кирган шеърларнинг бир нечтасп дарахт ҳақида. Энг ёркинларидан иккитаси ҳақида сўзласак. Бирини – маҳзун, бирёклама (бунда салбий маъно йўқ, биз кўпинча бирёклама бўлишга мажбурмиз, бир пайтнинг ўзида ҳарёкка қараб бўлмайди-ку, ахир), иккинчиси эса фалсафий, кўпёклама (математикада кўпёклик тушунчаси мавжудлигини ҳамма билса керак). Хуллас, биринчиси, “Салом толлар, салом тераклар...” деб бошланувчи шеър. Бежиз икки дарахт олинмаган, сўнг маълум бўлишича, улар қаршилантириладилар. Дарахтларда – “Сиз тераксиз, бўйингиз узун, сизга ҳасад қилмайди толлар, одамларда – “нима учун, нега? Билмадим, “Чакалок”ка ҳасадгўй “чоллар”. Бундан келиб чикадиган тушқун поэтик ҳулоса:

*Одамлардан ўгирдим юзим,
Бағрингизга отилдим кейин.
Мен сизларга сингишиб кетдим,
Энди Одам бўлишим қийин.*

Бир пайтлар Шавкат Раҳмон ўзининг “Дарахтларга қасида” шеърида уларга қарата “Нақадар баландсиз, нақадар пастман” дея ёзғирган ва бу катта ҳақиқат сифатида

кабул килинган, яъни “пастман” деб айта олиш учун ҳам анчайин баланд бўлиш зарурлиги қайд этилганди. Худди шу каби ёш шоирнинг ушбу шеърида ҳам аччиқ бўлса-да, ҳақиқат мужассам. Лекин биз юқорида нега шеърни “бирёклама” (изоҳни эсдан чиқарманг) дедик? Гап шундаки, ҳасад ҳам, яна кўплаб ножўя хислат ҳам инсонга хос хусусиятлардир. Уларни, хусусан, ҳасадни деб инсондан юз ўгириш инсофдан эмас. Ҳасадни енгган уни ҳавасга айлантира олган кўплаб олижаноб одамлар бор-ку ахир. Лекин юқорида бир ўринда айтилганидек, шундай дейишга шоирнинг маънавий ҳаққи бор. Оний туйғу ҳудудида – у ҳақ.

Иккинчиси, уч банддан иборат мана бу шеър: биринчи банд:

*Қишни севар манов дарахтлар,
Севгилари чексиз бағоят.
Куз баргида келганда хатлар,
Ечинини боилар беуют.*

Биз шеърни ўрни ўрни билан тўлиқ келтирамиз. Токи китобхон айна шу пайтда асар моҳиятини биз билан биргаликда мушоҳада қилиб кўрсин. Шеърда ҳар фаслда кузатиладиган табиий ҳодиса холис тасвирланган. Лекин қандай тасвирланган?

Шоир одми манзарага маъно юклайди, оддий ҳолатдан зиддият топади:

*Қиялангоч бўлишар охир,
Бағрини кенг очиб қутарлар.
Менга жуда ботади оғир,
Қиш – бойвачча, сочиб юрар зар.*

Бу тасвир реал кишининг барча белги – қилиқларига мос келади. Қиш – қиш-да, у ҳеч кимдан изн сўрамай, Яратганнинг йўриғига мос ҳолда ўз ишини қилаверади. Шунинг учун шоир наздида у – бойвачча.

Учинчи хулоса банд:

*Оҳ, шу уч ой – уч юз қиёмат,
Дарахтлар – ақлдан озган бевадар.
Бевадарга бахш этган неъмат,
Фарзандлари қишининг – мевалар.*

Бунда энди кўпёкламаликни кузатамиз. Аслида кўпёклама томонларни бир карашда кўриш имконсиз. Бир ёкка боксангиз, колган ёклар кўринмайди. Лекин фикр қилиш кўришдан фарқ қилади. Фикр кўзи оддий кўришдан анча ўткир ва илғамлироқ. Тафаккур диалогдир, яъни фикрлар суҳбати ва фикрлар тўқнашувидан иборатдир.

Беш жилдли “Ўзбек тилининг изохли луғати”да “оҳ” сўзининг беш хил маънолар тизими қайд этилган бўлиб, бу сўз – қувонч, завқ, қойил қолиш; соғиниш, интизорлик; ачиниш, дард-алам, ҳасрат; оғрик, дард; дод-фиғон, нола, афғон, зорланиш туйғуларини ифодалайди. Келтирилган банд бошидаги

“ох” сўзига луғатда кайд этилган барча туйғулар мужассам, десам муболаға эмас. Банд ритмига кулок солсангиз, иккинчи мисра бироз бошқачарок экани сезилади. Бутун шеърда воке бўлган тўққиз хижоли (4+5) мисра факат шу ерда ўн бир хижога (6+5) ўтади. Бу ўзгариш мисрага жо бўлган маънони бўрттиришга хизмат қилади. “Дарактлар – аклдан озган бевалар”. Бу лирик – трагик мулоҳаза бўлиб, уни бемалол айта олиш учун анчайин поэтик журъат зарурдир.

Лекин бу ҳали гапнинг бир ёғи. Бошқа ёғи – биз севиб тановул қиладиганимиз мевалар – бойвачча қишнинг фарзандлари-ку.

Шеърдаги тасвир нимагадир ишора қилади, кандайдир инсоний ҳолатларни рамзлайди. Биз нимагадир деган мажҳул сўзларни ишлатар эканмиз, бу бежиз эмас. Агар уларни аниқлаштиришга урина бошласак, шеърнинг латофати йўқолади. Латофат ушбу ўринда ноаникликда.

Яна шеърга қайтсак.

Мана сизга олам ва одам борлигининг мураккаб манзараси, яхшилиқнинг нокис тарафларию, ёмонлиқнинг эзгуликка дастёр бўлиши. Бу ёруғ дунёнинг латофати (аччик латофат!), бутун кизиклиги, унда – иссиқ ва совуқ, эзгу ва ёвуз, хайр ва шаррнинг коришиқлиги, бир-бирига чирмашиб кетганидадир. Кўпёкламалikka чидаш қийин, ле-

кин чинакам теранлик кўпёкламаликнинг бир нуктада жамланиб, ягона бадий маъно оқими ҳосил қилишидир. Воқеликдаги ҳодисалар рамзга эвриладилар, рамзга эврилгач эса бойинган ва теранлашган куйи яна воқеликка қайтадилар. *Воқелик – рамз – яна воқелик* шундай тахлит шеърлар учун ялпи қонуниятдир.

Нуктаи назар, ёндашув ракурсни бироз ўзгартириб, шеърга юмористик асар сифатида ҳам қараш мумкин. Дарахтлар – бевалар, киш – бойвачча қаби ташбеҳлар энди меҳрга йўғрилган кулгу уйғотиб, бизни шеърний “воқеа”га енгил, беғубор қарашга ундайди. Бунда ҳам юқорида айтиб ўтилган қонуният ишлайди, аммо энди у юморга бўйсинган ҳолда ишлайди.

Адабиётимизга янги бир тўлқин кириб келмокда. Аввалги ўнйилликларда бундай яқдил ғуж оқим кўзга ташланмаганди, хойнаҳой. Булар – ё Истиклолимизга тенгдош, ёки ундан ёшроқ, ёки ундан уч-тўрт ёш каттароқ йигит ва кизлардир. Уларга ХХI аср ўзбек адабиётини, жаҳонни забт этажак катта адабиётни яратиш учун йўл очик. Лекин сўз санъатининг кўпмингйиллик тажрибаси кўрсатадики, фақат эзгу олий ният ва юксак умумбашарий мазмун ҳар қандай давр адабиётининг мангулигини, мангу бадий энергиясини тайин этади. Майда гаплар эса майдалашиб, йўқликка юз тутати.

Адабиёт дарвозаси қошида эшик қокиб турган ушбу авлод олий илоҳий ҳақиқатлар меҳварида туриб, ижод қилишини тилайман. Жаҳоний уйғунликка жўр бўлиш, юксак туйғулар маконида уларга ҳамнафас бўлиш ҳар қандай ижодкор имконидаги иш эмас. Лекин ижод ушбу йўлдаги шахд эмасми, моҳиятан.

Ушбу авлод ўзлари кўз очиб кўрган Истиклолзамонига жўр, ҳамоҳанг бўлишлари лозим. Бу эса мангуликка, оламнинг илоҳий сасига жўр бўлишга зид эмас. Замона ва мангулик аслида яхлит вақтнинг бўлак-бўлак бекатларидир. Ҳам замона, ҳам мангуликка жўр бўлиш олий ижодий мақсаддир. Шундагина мустақил Ўзбекистонимиз шон-шавкатига муносиб адабиёт яралади.

Жўрабек Жаҳон сафнинг илғорлари каторида бўлишини истайман. Бунинг учун унда барча имконият мавжуд. Вазифа – имконни воқеликка айлантиришда. Зеро, ўзбек отли феноменни жаҳон аро кўз-кўз қилиш барча-мизнинг бурчимиздир.

Сувон МЕЛИ,

*Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими
2016 йил, август*

МУНДАРИЖА

Улуғ ўзанлардан таралган жилға (<i>Сирожиддин Саййид</i>)	3
---	---

СЎЗ ИШҚИДА

“Сиздан ўтинганим дуодир...”	8
Илтижо	9
Сўзлар	10
Ҳодиса	11
Вазифа	11
Эврилиш	12
Рух шеъри	13
Мангу савол	14
Бобо юрт	15
Сафардаги дўстимга	17
Сурхонни соғиниб	18
Ҳазрат Навоий ҳайкали пойида	19
Қушга	21
Тушлар	22
Бўри одам	23
Янги йил окшомида	24
“Салом толлар, салом тераклар...”	25
Осмоннинг устуни	26
“Қишлоқ...”	27
“Мен дарёман...”	28
Янги йил	29
Иримчилар	30
Соя билан суҳбат	31
Менсиз	32
Афсона	33

Ховлидаги дор	34
Ёлғизлик	35
“Тушунаман бошқа чоранг йўк...”	36
“Соғинтириб қўйдинг-ку жоним...”	37
Қор	38
Дийдор	39
“Қандай юпатишни билмайман, тавба...”	40
“Сиз шунга арзийсиз...”	41
Орол	42
“Одамзоднинг аждоди маймун...”	43
Сурат	44

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

“Қўлаб тушган дарахтни кўриб...”	46
Туғилган кун	47
“Қаранг, қандай танҳоман...”	48
“Мен ҳаммани севдим...”	49
“Ортингдан эргашиб кетаяпман жаллод...”	50
“Отамнинг кўзига тик боққаним чин...”	51
Виждон азоби	52
Дарахт	53
“Қишни севар манов дарахтлар...”	54
Шафкат ва гўзаллик	55
Қизилсевар санамга	56
Шеър ва сурат	57
Шарф	58
Маросим	59
“Панжара ортида ўтирган одам...”	60
Истак кучи	61
Фалсафа	62
“Мени севасанми?... ”	63
“Совуқдан қунушиб бемақсад...”	64
Мангу масофа	65

“Мен кахр килишни ўргандим...”	66
Зиёратда	67
“Она ер...”	68

УМРИМ БЎЙИ КЎЗЛАРИНГГА ТЕРМУЛСАЙДИМ

“Севги менга кимдан мерос қолган экан?”	70
“Мен сизни севаман!”	71
“Сиз менинг кимлигим билмайсиз ҳали...”	72
Ваъда	73
“Тонг отмоқда, азизам, бу тонг...”	74
“У ёқларда шеър ёзмасдим мен...”	75
Ғазалга ҳавас	76
“Иккимиз ҳам ерда яшаймиз...”	77
“Хаёллардан оламан таътил...”	78
“Сен деб кимдир яшаса, тавба...”	79
“Яшолмасанг керак мен билан...”	80
“Салом айтинг...”	81
“Эй, малак кел менга ҳам...”	82
“Сиз ухлайсиз...”	83
“Тун...”	84
“Йилларки ўтса-да суратинг...”	86
“Сенга етишмоқлик...”	87
“Менга жуда кераксан, дилдор...”	88
“Умрим бўйи кўзларингга термулсайдим...”	89
“Қорачиғим тирнар қорачикларинг...”	90
“Сен кетдинг...”	91
“Шивирладинг. Қўлоғим тутдим...”	92
Овутиш	93
“Хонадан чиқмоққа кўрқасан киши...”	95
“Муҳаббат бор дедим, ишқни бор дедим...”	96
Ҳазил	97
“Гулим, келажакдан умидингиз тўқ...”	98

Ўйин	99
Адабиёт муаллимасига	100
Медея	101
Мактуб	103

ИСТИҚЛОЛ НОМАСИ

1 Сентябрь	106
Талабалар шаҳарчаси	108
Аскарнинг хати	109
Камолот кошонаси	110
Китоблар байрами	112
Шифокорлар	113
Эҳтиром	114
Тилак	115
Бобомнинг сурати	116

АДАБИЁТ АЛИФБОСИ

Абадият	118
Адабиёт алифбоси (<i>достон</i>)	119

ЭЙ, КЎКДАГИ ЮЛДУЗИМ

Ўғлим Жаҳонгирга	124
Қизим Моҳларойимга	126
Покизанинг муаллимасига	128
8 Март	129
Иродага	130
Янги йил	131
“Юракни яйратинг...”	132
Жўрликка жаҳд (<i>Сувон Мели</i>)	133

Адабий-бадиий нашр

Жўрабек ЖАҲОН

КҮНФИЛ ПОЙТАХТИ

Шеърлар ва достон

Мухаррир *Санжар Турсунов*
Бадиий муҳаррир *Мурод Бурҳонов*
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*
Мусахҳих *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи *Ҳилола Шарипова*

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016

2020 йил 10 февралда босишга рухсат этилди.

Бичими 75x90 $\frac{1}{32}$. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 5,63 шартли босма табок.

3,2 нашр табағи. Адади 2000 нусха.

57-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Администрацияси ҳузуридаги

Ахборот ва оммавий коммуникациялар

агентлигининг

Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz



ЖЎРАБЕК ЖАҲОН

1987 йил Сурхондарё
вилояти Жарқўрғон
туманида туғилган.

Ўзбекистон Миллий
университетининг
журналистика факультетини
тамомлаган.

Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси томонидан
“Туйғулар шаҳарчаси” номли
китоби чоп этилган.

Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида
ишлайди.



16+



ISBN 978-9943-6109-9-6



9 789943 610996